

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК .....

**АЛИМАРДОНОВА МОХИЧЕҲРА БАХРОМОВНА**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА  
ИХТИЁРИЙ ДИҚҚАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ  
ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ  
(элементар математик тушунчалар асосида)**

Мутахассислик: 5А5111801- Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси  
(мактабгача таълим)

Илмий раҳбар:

педагогика фанлари номзоди, доцент  
Нуруллаева Шахло Уктамовна

**ҚАРШИ- 2017**

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b> .....	3
<b>I боб. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда диққат барқарорлигини шакллантиришга доир назариялар таҳлили</b> .....	9
I.1 Мактабгача таълим ёшидаги болаларда диққат ривожланишининг назарий талқини.....	
I.2. Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг педагогик-психологик ва физиологик хусусиятлари. ....	21
I.3. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда ихтиёрий диққатнинг шаклланганлик даражаси .....	31
<b>II боб. Мактабгача таълим ёшидаги болалар ихтиёрий диққатини шакллантириш усул ва воситалари</b> .....	45
II.1. Мактабгача таълим муассасаларида элементар математик тушунчаларни шакллантиришга доир давлат талаблари ва машғулотлар мазмуни	45
II.2 Мактаб ёшигача бўлган болаларда геометрик шакллар билан боғлиқ тасаввурларни шакллантириш методикаси. ....	
II.3. МТМ даги миқдор ва сон тушунчаларига доир машғулотлар жараёнида болалар ихтиёрий диққатини шакллантириш .....	62
<b>III боб. Мактабгача таълим ёшидаги болалар ихтиёрий диққатини шакллантиришга доир тажриба-синов ишлари таҳлили</b> .....	67
III.1. Муаммога доир тажриба-синов ишларини ташкил этиш. ....	67
III.2. Тажриба-синов ишлари натижаларининг якуний таҳлили .....	79
<b>Хулоса ва тавсиялар</b> .....	84
<b>Фойдаланилган адабиётлар руйхати</b> .....	87
<b>Иловалар</b> .....	90

## Кириш

**Мавзунинг асосланиши ва долзарблиги.** Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлига ўтгандан кейин ислохотларга миллий тарбиямизнинг ривожланишига кенг йўл берди. Бунга мисол қилиб Ўзбекистонда қабул қилинган (1997 й 29.08) «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида ватанимизда таълим тарбия тубдан ислох қилинмоқда.

Дастлабки таълим элементлари мактабгача таълим ёшидан ва мактабгача таълим муассасалари ёки оиладан бошланади. Ушбу таълим муассасаларининг бош вазифаси болаларни мактабга яхши ва самарали тайёрлашдан иборат. Шунингдек, мактабгача таълим тизими зиммасига қўйилаётган вазифалардан яна бири бу болаларда **когнитив, коммуникатив** каби сифатларни шакллантириш, мактабга тайёрлашдан иборат.

Ҳар томонлама етук ёшларни шакллантириш мактабгача таълим ёшидан оқ тарбиялаб бориш ва бу жараёни тизимли ташкил этиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаб қўйилган ва бу борада қатор вазифалар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2016 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2707 сонли қарор қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастур қабул қилинди.

Шунингдек, 2017 йил 30 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5198 сонли “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармони эълон қилинди. Ушбу фармонга кўра Ўзбекистон республикаси мактабгача таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ҳамда уларнинг туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилди.

Мактабгача таълим соҳасида қабул қилинган бундай давлат ҳужжатлари МТМ тарбияланувчиларини замон талабларига мос қилиб тарбиялаш борасида ҳам изланишлар олиб боришни тақозо этади. Жумладан, болаларни интеллектуал жиҳатдан ривожлантириш, аввало, уларда ихтиёрий диққатни таркиб топтириш лозимлигини кўрсатади. Бундай мулоҳазалар тадқиқот ишимиз мавзусини **“Мактабгача таълим ёшидаги болаларда диққатни шакллантиришнинг педагогик асослари”** тарзида танлашимизга асос бўлиб хизмат қилди.

**Тадқиқот объекти** мактабгача тарбия ёшидаги болаларда элементар математик тушунчалар орқали ихтиёрий диққатни шакллантириш жараёнидир.

**Тадқиқот предмети** мактабгача ёшдаги болаларда ихтиёрий диққатни шакллантириш йўллари, усуллари, воситаларидан иборат.

**Магистрлик диссертациямизнинг мақсади** мактабгача таълим ёшидаги болаларда элементар математик тушунчалар асосида ихтиёрий диққатни шакллантириш методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги **вазифаларни** амалга оширишга ҳаракат қилдик:

1. Диққат тушунчаси ва унинг хусусиятларини психологик жараён сифатида назарий жиҳатдан таҳлил қилиш.
2. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар психологик, педагогик ва физиологик хусусиятларини ўрганиш.
3. Мактабгача таълим муассасаларидаги турли ёш гуруҳларида амалга ошириладиган математик ва геометрик тушунчаларни шакллантиришга доир машғулотлар тизимини таҳлил қилиш.
4. Болаларда ихтиёрий диққатни шакллаштириш асосида машғулотлар самарадорлигини ошириш йўлларини ишлаб чиқиш.
5. Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган методикани тажриба-синов ишлари асосида самарадорлигини аниқлаш ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** шундан иборатки, изланишларимиз давомида мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ихтиёрий диққатни шакллантириш муаммоси психологик-педагогик жиҳатдан таҳлил қилинди. Шунингдек, мактабгача тарбия муассасаларидаги машғулотлар жараёнида болалардаги ихтиёрий диққат асосида элементар математик тушунчаларни шакллантиришнинг илмий-методик асослари ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг фаразини** қуйидагича белгиладик:

мактабгача тарбия ёшиданоқ болаларда ихтиёрий диққатни шакллантириш орқали таълим сифатини ошириш мумкин, агарда:

- МТМ учун элементар математик тушунчаларни шакллантиришга доир дастур хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда такомиллаштирилса;
- МТМ тарбиячилари педагогик-психологик билимлар билан қуроллантирилса;
- МТМ да элементар математик тушунчаларни ҳамда геометрик шакллар билан боғлиқ тасаввурларни шакллантиришга доир машғулотлар замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда самарали ташкил этилса.

**Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар таҳлили.** Мактабгача тарбия ёшидаги болалар диққатини шакллантириш муаммоси таълим самарадорлигини ошириш борасидаги долзарб муаммолардан бири бўлиб, ушбу муаммога кўплаб тадқиқотлар бағишланган. Таълим сифатини оширишда диққат таянч психологик жараёнدير ва у болаларнинг перцептив-когнитив тараққиёти билан узвий боғлиқдир.

Диққат – бу инсон фаолиятининг ташкилийлик ва аниқликни тақозо этувчи муҳим компоненти ҳисобланади. Шунингдек, диққат шахс ривожланиши даражаларини баҳолашнинг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли қатор педагогик ва психологик тадқиқотлар объекти сифатида шахс диққатини шакллантириш муаммоси тадқиқ этилган. Жумладан, О.Ё. Фрейерова ақлий ривожланишдан орқада бўлган

болалардаги психологик жараёнлар каторида уларнинг диққати муаммосини ҳам ўрганган. Л.В. Занков, А.Р. Лурия, М.С. Певзнер, Г.Е. Сухарева ва бошқа мутахассислар эса диққатнинг бузилишини ақлий ривожланишдан орқада қолишнинг асосий белгиси сифатида кўрсатадилар. Коррекцион психология соҳасида ҳам бола диққат шаклланишидаги нуқсонларни бартараф этишга Г.Л. Баскаков, С.П. Лиепинь, С.А. Саъдуллаев каби мутахассислар изланишлар олиб боришган.

Ихтиёрий диққатни шакллантириш муаммосининг долзарблиги шахс диққатининг ривожланиши унинг ақлий, иродавий ва эмоционал сифатларнинг шаклланиши билан боғлиқлигида ифодаланади. Бола диққати шаклланишидаги муаммолар унинг билимларни ўзлаштириш жараёнига салбий таъсир этади. Диққат билимларни ўзлаштириш жараёнининг асосий шарт сифатида таълим самарадорлигига таъсир этади.

Одамга ҳар бир дақиқада атроф-муҳитдан жуда кўп нарса ва ҳодисалар таъсир этиб туради. Лекин одамга таъсир этаётган бу нарса ва ҳодисаларнинг ҳаммаси бир хил аниқликда акс эттирилмайди. Улардан айримлари аниқ яққол акс эттирилса, бошқа бирлари шунчаки жуда хира акс эттирилади, ёки умуман акс эттирилмайди.

Бу эса ана шу одамга таъсир этаётган нарсаларга диққатнинг қай даражада қаратилишига боғлиқдир.

Демак, диққатимиз қаратилган нарса ва ҳодисалар аниқ ва тўла акс эттирилади.

П.И.Иванов томонидан диққат деб- онгни бир нуқтага тўплаб муайян бир объектга актив қаратилишга айтилади.

Ф.Н.Добринин, Н.В.Кузьмина, И.В.Страхов, М.В.Гамезо, Н.Ф.Гоноболин ва бошқаларнинг фикрича, диққатнинг вужудга келиши онгнинг бир нуқтага тўпланиши онг доирасининг торайишини билдиради, гуёки онг доираси бир мунча тиғизланади.

Диққат шундай муҳим жараёнлики, у одамнинг барча фаолиятларида албатта иштирок қилади. Энг *содда* фаолиятдан тортиб энг *мураккаб*

фаолиятни ҳам диққатнинг иштирокисиз бажариш мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун диққатнинг инсон ҳаётидаги роли бениҳоя каттадир. **Жумладан**, Француз олими Кювье *гениалликни чидамли диққат* деб таърифлайди К.Д.Ушинскийнинг «диққат руҳий ҳаётимизнинг шундай ягона эшигидирки, онгимизга кирадиган нарсаларнинг барчаси шу эшик орқали ўтиб киради» деган фикрлари унинг аҳамиятини янада оширади.

Диққат барча акс эттириш жараёнларимизнинг доимий йўлдошидир. Демак, диққат барча психик жараёнларимизда катнашса ҳам, лекин диққатнинг ўзи ҳеч нарсани акс эттирмайди.

П.Я. Гальпериннинг фикрича, диққат шахс психик фаолиятлари устидан назорат қилиб боради. Яъни у моҳиятига кўра назоратнинг ақлий ҳаракатидир. Ички назоратга, яъни ўз-ўзини назорат қилишга айланган ташқи назорат бу диққатдир. П.Я. Гальпериннинг фикрича, диққат бу мукамал, автоматлашган тарзда олиб бориладиган назоратдир: “Ҳар қандай назорат ҳам диққат эмас, лекин ҳар қандай диққат жараёни бу назоратдир”.

И.Л. Баскаков, И.Г. Еременко ва бошқа қатор мутахассислар ихтиёрий диққат ривожланмаслиги диққат барқарорлигининг пастлиги, уни тақсимлашнинг қийинчилик билан кечиши, **концентрациянинг** паст даражада эканлиги, диққатни кўчиришнинг оғирлиги билан характерланишини таъкидлайдилар.

Демак, ихтиёрий диққатни шакллантириш мактабгача таълим ёшиданоқ бошланиши мақсадга мувофиқдир. Бу мақсадга бевосита мактабгача таълим-тарбия олдида қўйилган Давлат талабларининг қай даражада сифатли бажарилиши орқали эришилади. Давлат талаблари мактабгача 6-7 ёшдаги болалар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг меъёрини белгилаб беради. Таълим-тарбия тўғрисидаги Давлат талаблари кўрсаткичларини белгилашда мактабгача ёшдаги болаларнинг жисмонан соғломлиги, қобилияти, эҳтиёжи ва имконияти, улар яшаётган ижтимоий муҳит ҳисобга олинган.

Тадқиқот давомида мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ихтиёрий диққатнинг шаклланганлик даражасини аниқлашга доир Бурдон корректор методикасидан, анкета, суҳбат, педагогик эксперимент ва математик статистик таҳлил каби **илмий тадқиқот методларидан** фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг методологик асосини** шахс тафаккурини ривожлантиришга доир фалсафий, педагогик ва психологик қарашлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг назарий аҳамияти** шундаки, илмий изланишларимиз давомида диққат жараёни ва мактабгача таълим ёшидаги болаларда ихтиёрий диққатнинг таркиб топишига доир педагогик ҳамда психологик манбалар таҳлил қилинди. Ушбу таҳлиллардан педагогика ва психология соҳасида олиб бориладиган тадқиқотларда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти** мактабгача таълим ёшидаги болаларда элементар математик тушунчалар орқали ихтиёрий диққатни шакллантиришга доир ишлаб чиқилган методик тавсиялардан амалда фойдаланиш учун қулайлиг ва МТМ даги машғулотлар самарадорлигини оширишдаги аҳамияти билан белгиланади.

Магистрлик диссертациямиз кириш, 3 боб, 8 та параграф, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.



# **I БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА ДИҚҚАТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ДОИР НАЗАРИЯЛАР ТАҲЛИЛИ**

## **I.1 Мактабгача таълим ёшидаги болаларда диққат ривожланишининг назарий талқини**

Маълумки ақлий фаолиятнинг барча турларида диққат иштирок этади ва инсоннинг барча ҳатти-ҳаракатлари диққат орқали амалга оширилади.

Диққат - онгни муайян бир объектга фаол қаратилишидир. Фаолият жараёнида идрок ва тасаввур қилинадиган ҳар бир нарса, ҳар бир ҳодиса, бажарадиган ишларимиз диққатнинг объекти бўла олади.

У ёки бу даражадаги фаоллик ҳамма вақт диққатга хосдир. Диққатимиз қаратилган объектлар онгимизда жуда аниқлик ва яққоллик билан акс эттирилади. Диққат - идрок, хотира, хаёл, тафаккур ва нутқ сингари алоҳида руҳий жараён эмас, у барча руҳий жараёнларда ўз аксини топади. Биз беэътибор диққатли бўла олмаймиз, балки биз диққат билан идрок қиламиз (қараймиз, эштамиз), диққат натижасида хотирамиз ишга тушади, фикрлаймиз, диққат билан мулоҳаза юритамиз, суҳбатлашамиз. Ақлий жараёнларнинг сифатини таъминлаш диққатга хосдир ва у ички фаолликдир. Барча фаолиятларнинг зарурий шарти диққат билан боғлиқдир.

Диққат ўқув-билув фаолиятида ҳам зарурий шарт ҳисобланади. Таълим-тарбия олувчиларнинг тақдим этилаётган материалларни муваффақиятли ўзлаштиришлари ҳам диққат билан бевосита боғлиқдир. К.Д.Ушинскийнинг айтишича: «Диққат руҳий ҳаётимизнинг шундай ягона бир эшигидирки, онгимизга кирадиган нарсаларнинг барчаси шу эшик орқали ўтиб киради».

Таълим-тарбия жараёнида ўзлаштира олмаслик ҳолатининг учраши, энг аввало, диққатнинг етарли эмаслигидадир. Хотиранинг яхши эмаслиги, ўқув материалларини яхши ўзлаштира олмаслик, асосан, диққатнинг яхши ривожланмаганлиги натижасидир.

Мактабгача таълим муассасасида тарбиячи (тарбия жараёнида) яхши натижаларга эришиши учун тарбияланувчиларда ҳар бир ҳолатга диққат қила олишни шакллантириши ва ривожлантириши лозим.

*Диққатнинг турлари.* Фаоллиги нуқтаи назаридан диққат ихтиёрсиз ва ихтиёрий турларга ажратилади. Ихтиёрсиз диққат - бирор ташқи сабаб билан ва бизнинг хоҳиш-истакларимиздан ташқари пайдо бўладиган диққатдир.

Бизга ногаҳон таъсир этувчи қандайдир белги ва хусусиятлар, хусусан, гўзаллик, ёрқинлик, катталиги, ҳаракатчанлиги, тўсатдан содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисалар, ранг-баранглиги ва бошқалар - ихтиёрсиз диққатни туғдирувчи сабаблардир. Масалан, овоз чиқарувчи чиройли ва ялтироқ ўйинчоқлар боғча ёшигача бўлган болаларнинг диққатини ўзига жалб қилади. Момақалдироқ, отилган ўқнинг овози ёки ҳар қандай қаттиқ товуш - беихтиёр ҳар бир инсонни диққатини жалб этади. Хусусан, сокинлик давом этиб турган бир пайтда тўсатдан пайдо бўлган шовқин-сурон ва аксинча, шовқин-сурондан сўнг содир бўлган жимжитлик ҳам беихтиёр равишда диққатимизни тортади.

Шу билан бирга, ихтиёрсиз диққат фаолиятимиз, ҳаётий воқеалар билан боғлиқ равишда эҳтиёжларимиз ва қизиқишларимизга жавоб бера олувчи, маълум бир ҳиссиётларни уйғота олувчи нарсаларнинг таъсири билан ҳам пайдо бўлади.

Ихтиёрсиз диққатнинг юзага келиши ҳар бир инсоннинг айни дамдаги ҳолатига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Маълумки, баъзи ҳолларда бир хил нарсалар ва ҳодисалар диққатимизни ўзига тортиши ёки тортмаслиги ҳам мумкин.

Эътиборимиз қаратилиши лозим бўлган буюм ёки ҳодисани олдин белгилаб олиб, онгли равишда қўйилган мақсад билан ишга солинган диққатга ихтиёрий диққат дейилади.

Бундай диққат ироданинг иштирокини талаб қилади. Шу сабабдан ҳам бундай диққат иродавий дейилади. Ихтиёрсиз диққатнинг кучи асосан

тўсиқларни енгиб ўтиш билан боғлиқ бўлган иродавий зўр бериш даражаси билан тавсифланади.

Ихтиёрий диққат, масалан, автомашнани бошқарувида яққол кўзга ташланади.

Диққатнинг ихтиёрий ва ихтиёрсиз турлари ўртасидаги фарқ шундан иборатки, ихтиёрсиз диққат билан бажариладиган иш унчалик зўр бермай, нисбатан енгил ва деярли толиқмасдан амалга оширилади, ихтиёрий диққат орқали амалга ошириладиган ҳар қандай иш эса анчагина юкланишни талаб этади ва бирмунча толиқарли бўлади.

Баъзи бир амалий жараёнларда, хусусан таълим олиш жараёнида ҳам, ихтиёрий диққат ихтиёрсиз диққатга ёки аксинча, ихтиёрсиз диққат ихтиёрий диққатга алмашилиши мумкин. Масалан, таълим жараёнида қандайдир материални ўзлаштиришни бошланиши ўқувчидан ихтиёрий диққат талаб қилади. Аммо, аксарият ҳолларда, тақдим этилаётган материални ўзлаштириш жараёнида ихтиёрий диққат ихтиёрсиз диққатга ўтиб кетади. Диққатдаги бундай ўзгариш ўрганилаётган материал мазмунининг баъзи жиҳатлари, масалан, уни мотивни уйғота олишлиги, мазмунлилиги, қизиқарли бўлиши сабабли содир бўлади. Ихтиёрий диққатнинг ихтиёрсиз диққатга шу аснода ўтиши билимларни ўзлаштириш жараёнини анча нисбатан осонлаштиради.

Аксинча ҳам бўлиши мумкин. Қандайдир ҳаракатлар ёки фаолият жараёнида тўсиққа дуч келинса, бундай пайтда ихтиёрсиз диққат ихтиёрий диққатга ўтиб кетади. Амалиётда, кўпинча, диққатнинг ихтиёрсиз равишда асосий ишдан ўзга ҳолатларга ўтиши кўп учрайди. Бу ҳолатларни одатда диққатнинг чалғиши дейилади. Диққатнинг чалғиши амалга оширилаётган ишга салбий таъсир кўрсатади.

Ўз навбатида ихтиёрсиз ва ихтиёрий диққат йўналишига асосан ташқи ва ички кўринишларга эга бўлиши мумкин. Манбаси онгимиздан ташқарида бўлган диққатга ташқи диққат деб аталади. Ташқи диққат даставвал идрок жараёнида пайдо бўлади. Мактабгача таълим муассаси тарбияланувчиси

тарбиячининг эртагини тинглаши, расмларни томоша қилишдаги ва атроф-олам ҳодисаларини кузатишдаги диққати - ташқи диққатдир.

Атроф-олам ҳодисаларини сезги аъзоларимизни қайси бири билан идрок этишимизга қараб, ташқи диққатни: кўриш, эшитиш, ҳис-туйғу, хид билиш ва таъм билиш турларига ажратиш мумкин.

Манбаси тасаввур, фикр, ҳиссиёт ва майлларимиз бўлган диққат - ички диққатдир.

Онгимизда содир бўлаётган жараёнларни кузатаётишимиз, яъни ҳиссиёт, фикр, хоҳишларимиз ва шу кабиларни кузатаётганимизда ички диққат ўзини намоён этади. Масалан, фикримиз тўғри ёки нотўғри эканлигини текшираётганимизда, пушаймон қилиш ҳиссини туйганимизда, ўзимизни танқид қилганимизда ва бошқаларда ички диққат намоён бўлади.

Таълим-тарбия жараёнида таълим берувчининг нутқи ва ўз фикрларининг баён этилиш тизимини кузатиб боришда ички диққат намоён бўлади.

Ички диққат одамнинг ўз-ўзини тарбиялаши билан узвий боғлиқдир. Ички диққат ўз-ўзини тарбиялашнинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

*Диққатнинг хусусиятлари.* Диққат ҳам ўз хусусиятларига эгадир - диққатнинг кўчувчанлиги, бўлиниши, кўлами, кучи ва барқарорлиги унинг асосийлари ҳисобланади.

Хусусиятларнинг яққол ифодаланишига нисбатан, турли фаолият жараёнида инсон диққатининг ижобий ёки салбий сифатлари белгиланади. *Диққатнинг кўчувчанлиги.* Диққатнинг кўчиши дейилганда, уни бир объектдан бошқа объектга ўтиши тушунилади.

Масалан, бола расм томоша қилишдан ўз диққатини ўртоқларини ўйинига қаратиши, уларга фикр билдиришга кўчириши мумкин. Юқоридаги айтилганларга асосан диққатнинг кўчиши ҳам ихтиёрсиз ва ихтиёрий бўлиши мумкин.

Бажарилаётган иш тўлиқ тугалланса, унда киши ўз диққатини бир фаолиятдан иккинчисига осонлик билан ўтказиши, ёки тескариси, агар бошланган иш охиригача етказилмай, баъзи-бир сабабларга кўра, диққатни янги объектга кўчириш лозим бўлса, бу иш анча қийин кечади.

Диққат бир объектдан иккинчи объектга тез кўчса, қулай ва яхши ҳиобланади. Шундай хусусиятли инсонлар турли муҳитга тез мослаша олади ва турли ўзгарувчан шароитда, турли элементларнинг аҳамиятли ёки аҳамиятсиз эканлиги ҳақида тезда хулоса чиқаради. Диққатнинг у объектдан бу объектга тез кўчувчанлиги субъект ишини ҳам тезлаштиради ва у субъектнинг амалий фаолияти жараёнида ривожланади.

Диққатнинг бўлиниши маълум фаолият жараёнида диққат биргина нарсага эмас, балки икки ва уч нарсага ҳам қаратилиши мумкин. Диққатимиз айни вақтда айрим фаолият турларига бўлина олади. Фақат биргина объектга қаратилган диққатни жамланган ёки тўпланган диққат дейилади. Шу ўринда айтишимиз мумкинки, диққат бир жараёнда икки ёки уч объектга қаратилиб, фаолиятнинг турли усуллари билан боғлиқ бўлса, бундай диққатни бўлинган ёки тақсимланган диққат дейилади. Масалан, мактабгача таълим муассаси тарбиячиси машғулотлар давомида ўз диққатини тарбиячилар юриш-туришига, ўйинчоқларга ва шу қабиларга тақсимилаши лозим.

Диққатни **концентрация** қилиниши ва бўлиниши ҳар қандай диққатга хос хусусиятдир. Бўлинган диққат - диққатнинг бир объектдан иккинчи объектга жуда тез кўчишидир.

Баъзи ҳолларда, бу кўпчилик инсонларда кузатилиди (хаттоки ўзингизда ҳам), маъруза тинглаб туриб, шу вақтнинг ўзида хаёл суриш, бошқа бир нарсалар ҳақида ўйлаш, китоб ёки газета мутоала қилиш мумкин. Бундай ҳолат барчамизга турмуш тажрибамиздан маълум, яъни диққат бир объектдан бошқасига тез кўчади. Инсондаги ижобий хусусият - ўз диққатини бир объектга қарата олиши ва фаолият тавсифига қараб, уни бўла олишдадир. Ҳар бир инсонда ана шу жиҳатдан ҳам индивидуаллик мавжуд бўлади, хусусан, бир кишида концентрациялашган диққат ривожланган бўлса,

иккинчисида бўлинувчи диққат ривожланган бўлиши мумкин. Бу ҳолатлар ҳар бир инсоннинг иш фаолияти ва турмуш тарзига қараб ҳам шаклланиши мумкин.

*Диққатнинг кўлами.* Диққат доирасига бир вақтнинг ўзида жойлашиши мумкин бўлган объектлар сони - диққатнинг кўламини белгилайди. Демак, диққат кўлами жиҳатидан тор ёки кенг бўлиши мумкин.

Тажриба натижасида диққатнинг кўлами, одатда, тажриба ўтказилаётган шахсга айтиб берилган вақтнинг ўзида бир қанча ўзаро боғланмаган ҳарфларни, сўзларни, буюмларни ва турли шаклларни кўрсатиш йўли билан аниқланади.

Тажриба ўтказилаётган шахс тақдим этилаётган нарсалардан айтиб берилган дамда кўпчилигини бирданга идрок эта олса ёки бошқача айтганимизда диққат доирасига сиғдира олса, бу диққат доирасини кенглигини билдиради. Аниқ идрок этиш билан бирга диққат кўламининг кенглиги кўшилса, у яхши сифат ҳисобланади. Тарбиячининг гуруҳда машғулотлар ўтказилаётган пайтда тарбиячиларга назар солиб туриши - диққат кўламининг кенг бўлишини билдиради. Хусусан, диққат кўламининг торлиги ҳам доимо салбий ҳисобланавермайди.

Фаолиятнинг шундай турлари мавжудки, уларда диққат кўламининг тор бўлиши, лекин шу билан бир вақтда, теран ва концентрациялашган бўлиши талаб этилади. Масалан, бундай диққат микроскоп билан ишлаганда зарурдир.

Диққат кучи ва барқарорлиги - унинг муҳим хусусиятидир. Диққат кучи ҳар хил даражада бўлиб, у кучли ва кучсизга ажралади. Диққат қанчалик кучли бўлса, диққат қилинаётган объектига у шунчалик кўп тўпланади, айтиб берилган вақтда кераксиз бўлган нарсаларга диққат эътибори қаратилади. Ташқи томондан диққатнинг кучи тўғрисида асосан, унинг қалбида даражасига қараб ҳукм чиқарилади. Тарбияланувчининг диққати турлича, агар кучсиз даражадаги четки кўзғовчилардан ташкил топса, хусусан, ўйинчоқнинг тушиб кетишига,

ўртоқларининг пичирлашишига, гапларига чалғиб кетаверса - тарбияланувчининг диққати кучсизлигидан дарак беради. Агар тарбияланувчи четки таъсирлардан (баъзан ҳатто кучли бўлиши ҳам мумкин) ҳеч нарса сезмасдан, бажараётган аниқ бир ишга берилиб кунт билан ишласа, бу тарбияланувчи диққатининг кучлилигини билдиради.

Одатда, тарқоқ, паришон диққатга энг кучсиз диққат ёки паришонхотирлик дейилади. Паришонхотирлик одамнинг ўз диққатини бирон-бир муайян ишга нисбатан тутиб тура олмаслигидир. Паришонхотирликда диққат бир нарсадан бошқа бир нарсага беихтиёр равишда кўчиб туради ва аниқ бир объектларнинг бирортасида ҳам тўхтамайди. Паришонхотирлик ҳолатини биз болалар ҳаётининг дастлабки даврларида учратишимиз мумкин, ёш бола диққатини ҳали ҳеч бир нарса устида тутиб тура олмайди. Паришонхотирлик ҳолати катта ёшдаги инсонларда ҳам учрайди. Паришонхотирлик мактабгача ёшдаги болаларда ҳам учрайди. Болаларнинг паришонхотир бўлиб қолишларига, кўпинча, мактабгача таълим-тарбия муассасаларидан бошлабоқ уларда диққатни етарли даражада шакллантирмаслик сабаб бўлади. Паришонхотирлик одамнинг ҳеч бир нарсага диққат қила олмаслиги деб тушуниш асосли эмасдир. Одам ҳамиша диққат қила олиш қобилиятига эга, лекин инсон диққатининг тўпланиш даражаси ҳамма вақт бир хилда эмасдир.

Диққат ҳаддан ташқари кучли бўлганида ҳам алоҳида паришонхотирликни учратиш мумкин. Энг кучли диққат - диққатнинг объектга қаратилиб, тўпланиши ҳамда чалғимаслигидир, кучли таъсирлар бўлганида ҳам у сира чалғимайди. Субъект объектга берилиб кетади, вазиятни унутиб қўяди, теварак-атрофдагиларга беэътибор бўлади. Диққат кучли бўлганда одам паришонхотир бўлиб қолишини ҳар биримиз ўз ҳаётий тажрибмиздан яхши биламиз. Хусусан, инсон ҳаддан ташқари қувонганда ана шундай паришонхотир бўлиб қолади. Инсоннинг қувонишига сабаб бўлган ҳодисалар баъзан одам онгини ўзига шу қадар жалб қилиб оладики, бошқа ҳеч бир нарса унинг онгига етиб бормайди ёки етса ҳам, жуда

кийинчиликлар билан бориб етади. Инсон ҳаддан ташқари хурсандчилигида шу ҳолатни пайдо қилган объектга тааллуқли нарсаларнигина идрок қилади ва фақатгина шу нарсалар ҳақида ўйлайди.

Барқарор ва беқарор диққат. Барқарор диққат деб, узоқ вақтгача бир нарсанинг ўзига қаратиб тура оладиган диққатга айтилади. Бирор фаолият жараёнида диққат бошқа кераксиз нарсаларга чалғиса ёки тез суствлашиб ва сўниб қолса, бундай диққатга беқарор диққат дейилади. Масалан, тарбияланувчи машғулот давомида унинг боришига диққат қилиб тарбиячининг тушунтиришларини бошқа нарсаларга чалғимай тинглаб борса, биз тарбияланувчи барқарор диққатга эга деймиз. Агарда, тарбияланувчи тарбиячининг тушунтиришларини дастлаб тинглаб туриб, маълум муддатдан сўнг бошқа нарса билан шуғулланиб, бошқа нарсалар ҳақида хаёл суриб қолса бундай диққат беқарор диққат дейилади.

Диққатнинг барқарор диққат ёки беқарор диққат турига киришини кўрсатувчи қатъий белгиланган бирор-бир меъёр, кўрсаткич йўқ ва бундай меъёр, кўрсаткичнинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Диққатнинг барқарорлигини диққатнинг тури - ихтиёрий ва ихтиёрсизлигига қараб, шунингдек, бирор-бир турдаги диққат билан бажарилаётган ишнинг мазмуни ва тавсифига қараб ҳар хил баҳо бериш мумкин.

Инсон фаолиятида, кучли ва барқарор диққатнинг аҳамиятлилиги сир эмас. Кучли ва барқарор диққатнинг бўлиши қатор шартларга эга, у диққат қилинаётган объектнинг мазмундорлиги, фаолиятга, вазиятга, инсоннинг руҳий ҳолатига, иродаси ва қизиқишларига боғлиқдир.

Қилинаётган ҳаракат қанчалик мазмунли, хотира, хаёл ва тафаккур фаолияти самарали ва турлича бўлса, инсоннинг ана шу ишга нисбатан диққати шунчалик кучли ва барқарор бўлади.

Ҳиссиёт ва диққат. Диққатнинг кучи ва барқарорлиги ҳиссиётга боғлиқ. Ҳиссиёт - ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Диққат қаратилган объект билан ҳиссиёт боғлиқ бўлган тақдирда диққат ижобий аҳамият касб этади, яъни ҳиссиёт қанчалик кучли бўлса, диққат ҳам шунчалик кучли ва



барқарор бўлади. Инсоннинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳис ва эмоциялар ихтиёрий диққатнинг кучи ва барқарорлигини мустаҳкамлайди. Диққат объектдан ўзга сабаблар туфайли қўзғалган ҳис-эмоциялар диққатнинг кучи ва барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади. Бундай ҳис-туйғулар диққатни чалғитади ва кучсизлантиради натижада унинг барқарорлиги бузилади.

Ирода ва диққат. Ихтиёрий диққатнинг кучи ирода кучи билан сақлаб турилади, шу сабабли ҳам уни иродавий диққат дейилади. Хусусан, ихтиёрсиз диққатнинг барқарорлиги ҳам фаолият жараёнида ироданинг зўри билан ушлаб турилиши мумкин. Шу сабабдан ҳам ирода - диққатда кўринади дейишади. Ироданинг ишга тушишида инсоннинг маълум бир мақсадни кўйиб, унга қараб интилиши алоҳида аҳамият касб этади. Шу сабабдан кучли ва барқарор диққат пайдо бўлишида маълум бир ишга мойиллик ва уни амалга оширишга тайёр бўлишлик катта рол ўйнайди. Кундалик турмушимизда баъзи ҳолатларга кўникиб, одатланиб қолган диққат ҳам учрайди бундай диққатга одат бўлиб қолган диққат деб аталади. Одат бўлиб қолган диққат ишда саранжомлик бўлиши учун жуда муҳимдир. Биздаги одатлар машқ натижасида ҳосил бўлади. Демак, кучли ва барқарор диққат ҳам машқнинг маҳсулидир.

*Диққатнинг шаклланиши ва ривожланиши.* Бола туғилганидан бошлаб, яъни дастлабки ойларида ундан диққат қилаётгани сезила бошлайди. Унда даставвал ихтиёрсиз диққат шаклланиб, бола ўз диққатини бирон жиҳати билан ажралалиб турувчи нарсаларга, яъни рангдорлиги, оҳангдорлиги, ҳаракатчанлиги билан ажралиб турувчи маълум бир буюм ва ҳодисаларга қаратади. Боланинг ёши улғайган сари, ўйин фаолияти давомида ҳамда тарбия таъсири билан унинг диққати шаклланиб ва ривожланиб боради. Диққатнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳиссиёт, эҳтиёж ва қизиқишлар билан боғлиқдир. Ихтиёрсиз диққатнинг шаклланиши ва ривожланиши шундан иборатки, унда намоён бўлувчи буюм ва ҳодисалар доираси кенгайиб, ихтиёрсиз диққат анчагина кучли ва барқарор бўла

боради. Ихтиёрсиз диққат инсон фаолиятининг барча турларида катта ўрин эгаллайди.

Таълим ва тарбия жараёни, умуман инсон фаолиятининг барча турлари асосан ихтиёрий диққат орқали амалга оширилади. Ихтиёрий диққат ихтиёрсиз диққат асосида шаклланади ва ривожланади. Ихтиёрий диққат инсон туғилганидан бошлаб, унинг фаолияти давомида, асосан тарбиянинг таъсири натижасида шаклланади ва ривожланади. Таълим-тарбия берувчилар болани ёшлигиданоқ тозаликка, тартиб-интизомли бўлишга, жамият қоидаларига ўргатиб борадилар. Қайд этилганларнинг ҳаммаси ихтиёрий диққатни шакллантиради ва ривожлантиради. Мактаб ёшигача бўлган болаларда, яъни 3-5 ёшли болаларда ихтиёрий диққат унинг ички ташаббуси билан ўса бошлайди. Боланинг боғча ёши даврида ихтиёрий диққатнинг ўсиб бориши учун ўйин фаолияти жуда катта аҳамият касб этади.

Мактабгача тарбия муассасалари тарбия ишлари соҳасидаги вазифаларга, хусусан, ўқувчилар иродаси ва интизомини тарбиялаш билан боғлиқ бўлган ихтиёрий диққатни тарбиялаш вазифаси ҳам киради. Болаларнинг ёши улғайган сари, диққатнинг айрим сифатлари, унинг кўлами, кўчувчанлиги, бўлинувчанлиги, кучи ва барқарорлиги ривожланиб боради.

Боланинг диққати, дастлабки даврларда кўламнинг торлиги, бир нарсадан иккинчи нарсага секинлик билан кўчиши ва зўрға бўлиниши билан ажралиб туради. Бир ёшгача бўлган болаларда, фақатгина жуда тор концентрациялашган диққатни кўришимиз мумкин. Кейинчалик диққатнинг бўлинувчанлиги катталар ёрдами билан болаларнинг ўйин, ўқиш ва амалий меҳнат фаолиятларида ўсиб боради.

Ўқиш фаолияти учун диққатнинг маълум даражада кучли ва барқарор бўлишлиги талаб қилинади. Диққат барқарорлигининг ўсишига болалар онгининг мазмунан бойишида, хусусан, тафаккурининг ривожланиши ўз таъсирини кўрсатади. Бу жуда мураккаб жараён бўлиб, уни психология фани ўрганади. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар диққати, уларнинг табиатидаги ҳиссиётчанлик ва таъсирчанлиги билан боғлиқ. Бу ёшдаги

болаларда ҳиссиёт давомли ва барқарор бўлмаганидек, уларнинг диққатлари ҳам айтарли даражада барқарор бўлмайди. Лекин, болаларнинг аксариятида ҳиссиёт кучли бўлгани сабабли уларнинг диққатлари, гарчи қисқа вақт ичида давом этса ҳам, кучли бўлади. Мактаб ёшидан бошлаб эса боланинг ҳиссиётлари анчагина барқарор бўла бошлайди. Шунинг учун таълим-тарбия берувчи ўқув материални ҳиссий моментлар билан бойитиб бориши лозим, бу билан у диққатнинг барқарорлиги ва кучини сақлаб туради. Шу сабабдан ҳам диққатга доир бу сифатларнинг кейинги ривожланиши ироданинг тараққиёти билан боғлиқдир.

## **I.2. Мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг педагогик-психологик ва физиологик хусусиятлари**

Богча ёшидаги болалар шахсининг шаклланишига кўра, бу даврни уч босқичга ажратиш мумкин:

**биринчи давр** - бу 3-4 ёш оралигида бўлиб, бола эмоционал жиҳатдан ўз-ўзини бошқаришнинг мустаҳкамланиши билан боғлиқдир;

**иккынчи давр** - бу 4-5 ёшни ташкил қилиб ахлоқий ўз-ўзини бошқариш;

**учинчи давр** эса шахсий ишчанлик ва тадбиркорлик хусусиятининг шаклланиши билан характерланади.

Мактабгача даврда ахлоқий тушунчалар борган сари қатъийлаша боради. Ахлоқий тушунчалар манбаи сифатида, уларнинг таълим- тарбияси билан шугулланаётган катталар, шунингдек, тенгдошлари ҳам бўлиши мумкин. Ахлоқий тажрибалар асосан мулоқот, кузатиш, тақлид қилиш жараёнида, шунингдек, катталарнинг айниқса, оналарнинг мақтови ва танқидлари таъсирида ўтади ва мустаҳкамланади. Бола доимо баҳо, айниқса мақтов олишга ҳаракат қилади. Бу баҳо ва мақтовлар боланинг муваффақиятга эришишга бўлган ҳаракатларининг ривожланишида, шунингдек, унинг шахсий ҳаёти ҳамда унинг касб танлашида аҳамияти жуда каттадир.

Богча ёшидаги даврда болаларда мулоқотнинг янги мотивлари юзага келади. У шахсий ва ишбилармонлик мотивларидир. Шахсий мулоқот мотивлари - бу боланинг ташвишга солаётган ички муаммолари билан боглик, ишбилармонлик мотивлари эса у ёки бу ишни бажариш билан боглик бўлган мотивлардир. Бу мотивларга аста-секинлик билан билим, кўникма ва мала каларни эгаллаш билан боглик бўлган ўқиш мотивлари қўйилади. Бу мотивлар илк болалик давридан бошланиб, юзага келадиган болаларнинг табиий қизиқувчанлиги ўрнида пайдо бўлади. ўзини намоён қилиш мотивлари ҳам бу ёшда яққол намоён бўлади. Бу эса, ҳар бир боладан ўзининг бутун қобилиятини ишга солишни талаб этади. Маълум ролларга бўлинган жамоа ўйини, болалардан қатъий қоидаларга бўйсунини ва айрим вазифаларни талаб доирасида бажаришни тақозо этади. Шунинг учун болаларнинг бундай жамоа ўйинлари психологик жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Чунки, бундай ўйинлар болаларда иродавийлик, хушмуаммолик, ўйин қоидаларига, тартиб-интизомга бўйсунини ва шу каби бошқа ижобий хислатларни тарбиялайди ва ривожлантиради.

Катта богча ёшида сюжетли-ролли ўйинлар эса энди ўз мавзусининг бойлиги ва хилма-хиллиги билан фарқланади. Бу ўйинлар жараёнида болаларда сардорлик хусусияти юзага кела бошлайди, уларда ташкилотчилик кўникма ва малакалари ривожлана бошлайди.

Мактабгача ёшдаги болалар шуғулланадиган ижодий фаолиятлар орасида тасвирий санъатнинг ҳам аҳамияти жуда каттадир. Боланинг тасаввур этиш характерига кўра, унинг атроф ҳаётни қандай идрок этиши, хотира, тасаввур ва тафаккур хусусиятларига баҳо бериш мумкин. Катта богча ёшидаги болалар чизган расмлар уларнинг ички кечинмалари, руҳий ҳолатлари, орзу, умид ва эҳтиёжларини ҳам акс эттиради.

Бу ёшдаги болалар раем чизишга ниҳоятда қизиқадилар. Раем чизиш болалар учун ўйин фаолиятининг ўзига хос бир шакли бўлиб ҳисобланади. Бола аввало кўраётган нарсаларини, кейинчалик эса ўзи биладиган, хотирасидаги ва ўзи ўйлаб топган нарсаларни чизади.

Катта мактабгача ёшдаги болалар учун мусобақа жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, айнан шундай ўйинларда муваффақиятга эришиш шаклланади ва мустаҳкамланади. Бу ёшдаги болалар учун энг яхши дақиқалари муваффақият билан боғлиқ бўлган мусобақа ўйинларининг аҳамиятлигидир.

Катта ботча ёшида конструкторлик ўйинлари аста-секинлик билан меҳнат фаолиятига айланиб боради. ўйинда бола содда меҳнат, кўникма ва малакаларини эгаллай бошлайди, предметларнинг хоссаларини англай бошлайди, амалий тафаккур намуналари ривожлана боради.

3-7 ёшли болаларнинг психик ривожланишида бадиий-ижодий фаолият тури бўлган мусиканинг аҳамияти ҳам жуда каттадир. Мусиқа орқали болалар ашула айтишга, мусиқа оҳангига мос ритмик ҳаракатлар қилишга ўрганадилар. 3-7 ёшлик даврида болаларнинг асосий фаолияти куйидаги кетма-кетликда кечади:

- предметларни ўрганиши;
- индивидуал предметли ўйинлар, жамоа сюжетли-ролли ўйинлар;
- индивидуал ва гуруҳий ижод;
- мусобақа ўйинлари;
- мулоқот ўйинлари;
- уй меҳнати.

Боғча ёшидаги болаларнинг ўйин фаолиятлари ҳақида гапирар эканмиз, албатта уларнинг ўйинчоги масаласига ҳам тўхтаб ўтиш керак,

Болаларга ўйинчоқларни беришда уларнинг ёш хусусиятларини, тараққиёт даражаларини ва айни пайтда уларни кўпроқ нималар қизиқтиришини ҳисобга олиш керак.

Маълумки, 1-3 ёшдаги болалар ҳали ташқи муҳитни жуда оз ўзлаштирган бўладилар. Улар ҳали кўп нарсаларнинг рангини, ҳажмини ҳам яхши ажрата олмайдилар. Шунинг учун уларга кўғирчоқ билан бирга ҳар хил рангли қийқим, лаҳтак матолар ҳам бериш керак. Айниқса, қиз болалар ўз кўғирчоқларини ҳар хил рангли матоларга ўраб, рўмол қилиб ўратиб машқ

киладилар. Ўтил болаларга эса, ҳар хил рангли, бир-бирининг ичига сиғадиган қутича ўйинчоқларни бериш фойдалидир.

Ўйин фаолияти болаларни инсониятнинг ижтимоий тажрибасини эгаллашнинг фаол шакли бўлган таълим фаолиятига тайёрлайди. Одам бирданга ижтимоий тажрибани ўзлаштиришга кириша олмайди. Ижтимоий тажрибаларни фаол эгаллаши учун одам, аввало, етарли даражада нутқни эгаллаган бўлиши, маълум малакалар, уқувлар ва содда тушунчаларга эга бўлиши керак бўлади. Буларга бола юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, ўйин фаолияти орқали эришади.

Онтогенезда 3 дан 7 ёшгача булган давр богча ёши даври ҳисобланади. Мактабгача ёшдаги болалар психологиясида жуда тез сифат ўзгаришлари бўлишини инобатга олган ҳолда 3 даврга

(3-4 ёш) кичик мактабгача даври

(4-5 ёш) кичик богча ёши ўрта мактабгача давр (ўрта, богча ёши)

(6-7) ёш ва катта мактабгача давр катта богча ёшиларга ажрагиш мумкин.

Бола ривожланиш жараёнида кишилик авлоди томонидан яратилган предмет ва ҳодисалар олами билан муносабатга киришади. Бола инсоният қўлга киритган барча ютуқларни фаол равишда ўзлаштириб, эгаллаб боради. Бунда предметлар оламини, улар ёрдамида амалга ошириладиган хатти-ҳаракатларни, тилни, одамлар орасидаги муносабатларни эгаллаб олиши, фаолият мотивларининг ривожланиши, қобилиятларнинг ўсиб бориши, катта ёшли кишиларнинг бевосита ёрдамида амалга оширилиб борилмоғи керак. Асосан, шу даврдан бошлаб боланинг мустақил фаолияти кучая бошлайди. Богча ёшдаги болаларга бериладиган тарбия, уларнинг мураккаб ҳаракатларини ўзлаштириш, элементар гигиена, маданий ва меҳнат малакаларини шакллантириш, нутқини ривожлантириш ҳамда ижтимоий ахлоқ ва эстетик дидининг дастлабки куртакларини ҳосил қилиш давридир.

Машҳур рус педагоги Лесгафтнинг фикрича, инсоннинг богча ёшидаги даври шундай бир босқички, бу даврда болаларда характер хислатларининг намуналари шаклланиб, ахлоқий характернинг асослари юзага келади.

Богча ёшдаги болаларнинг кузга ташланиб турувчи хусусиятларидан бири, уларнинг ҳаракатчанлиги ва тақлидчанлигидир. Бола табиатининг асосий қонунини шундай ифодалаш мумкин: бола узлуксиз фаолият кўрсатишни талаб қилади, лекин у фаолият натижасидан эмас, балки фаолиятнинг бир хиллиги ва сурункалилигидан толиқади.

Катгалар ва тенгдошлари билан бўлган муносабат орқали бола ахлоқ меъёрлари, кишиларни англаши, шунингдек, ижобий ва салбий муносабатлар билан таниша бошлайди. Богча ёшдаги бола энди ўз гавдасини яхши бошқара олади. Унинг ҳаракати мувофиқлаштирилган ҳолда бўлади. Бу даврда боланинг нутқи жадал ривожлана бошлайди. У янгиликларни эгаллашга нисбатан ўзи билганларини мустаҳкамлашга эҳтиёж сезади ўзи билган эртагини қайта-қайта эшитиш ва бундан зерикмаслик, шу даврдаги болаларга хос хусусиятдир.

Богча ёшдаги болаларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари жадал равишда ортиб боради. Бу аввало кенг доирага чиқиш эҳтиёжи, муносабатда бўлиш, ўйнаш эҳтиёжларининг мавжудлигидир. Богча ёшдаги болалар нутқни бир мунча тўла ўзлаштирганлари ва ҳаддан ташқари ҳаракатчанликлари туфайли уларда ўзларига яқин бўлган катта одамлар ва тенгдошлари билан муносабатда бўлиш эҳтиёжи тугилади. Улар тор доирадан кенгрок доирадаги муносабатларга интила бошлайдилар. Улар энди қўни-қўшниларнинг болалари билан ҳам жамоа бўлиб ўйнашга ҳаракат қиладилар.

Ҳамма нарсани билиб олишга бўлган эҳтиёж кучаяди. Богча ёшдаги бола табиатига хос бўлган кучли эҳтиёжлардан яна бири, унинг ҳар нарсани янгилик сифатида кўриб, уни ҳар томонлама билиб олишга интилишидир.

Богча ёшдаги болалар ҳаётида ва уларнинг психик жиҳатидан ўсишида қизиқишнинг роли каттадир қизиқиш худди эҳтиёж каби, боланинг бирор фаолиятга ундовчи омиллардан биридир. Шунинг учун ҳам қизиқишни билиш жараёни билан боғлиқ бўлган мураккаб психик ҳодиса деса бўлади.

Боланинг камол топишида қизиқишнинг аҳамияти шундаки, бола қизиққан нарсасини мумкин қадар чуқурроқ билишига интилади ва узок вақт давомида

қизиққан нарсаси билан шугулланишдан зерикмайди. Бу эса ўз навбатида боланинг диққати ҳамда иродаси каби муҳим хислатларни ўстиришга ва мустаҳкамлашига ёрдам беради.

#### *Богча ёшидаги болалар ўйинининг психологик хусусиятлари*

Мактабгача ёшдаги болаларнинг етакчи фаолияти ўйиндир. Богча ёшидаги болаларнинг ўйин фаолиятлари масаласи асрлар давомида жуда кўп олимларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда.

Богча ёшидаги болалар ўзларининг ўйин фаолиятларида илдам қадамлар билан олга қараб бораётган сермазмун ҳаётимизнинг ҳамма томонларини акс эттиришга интиладилар.

Маълумки, боланинг ёши улгайиб, мустақил ҳаракат қилиш имконияти ошган сари, унинг атрофидаги нарса ва ҳодисалар бўйича дунёқараши кенгайиб боради.

Богча ёшидаги бола атрофидаги нарсалар дунёсини билиш жараёнида шу нарсалар билан бевосита амалий муносабатда бўлишга интилади. Бу ўринда шу нарса характерлики, бола билишга ташналигидан атрофдаги ўзининг ҳадди сизадиған нарсалари билангина эмас, балки катталар учун мансуб бўлган, ўзининг кучи ҳам етмайдиган, ҳадди сизмайдиган нарсалар билан ҳам амалий муносабатда бўлишга интилади. Масалан: бола автомашинани ёки трамвайни ўзи ҳайдагиси, ростакан отга миниб юргиси, учувчи бўлиб, самолётда учгиси ва ростакан милиционер бўлгиси келади. Табиийки бола ўзидаги бундай эҳтиёжларнинг бирортасини ҳам ҳақиқий йўл билан қондира олмайди. Бу ўринда савол тугилади. Болаларнинг тобора ортиб бораётган турли эҳтиёжлари билан уларнинг тор имкониятлари ўртасидаги қарама-қаршилиқ қандай йўл билан ҳал қилинади? Бу қарама-қаршилиқ фақатгина биргина фаолият орқали, яъни, боланинг ўйин фаолияти орқалигина ҳал қилиниши мумкин. Буни қуйидагича изоҳлаб бериш мумкин:

*-биринчидан,* болаларнинг ўйин фаолияти қандайдир моддий маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган фаолият эмас. Шунинг учун болаларни ўйинга



ундовчи сабаб (мотив) келиб чиқадиган натижа билан эмас, балки шу ўйин жараёнидаги турли ҳаракатларнинг мазмунига боғлиқдир;

-иккинчидан эса, болалар ўйин жараёнида ўз ихтиёрларидаги нарсаларни, ўзларини қизиқтирган, аммо катталаргагина мансуб бўлган нарсаларга айлантириб, хоҳлаганларича эркин фаолиятда бўладилар. Болаларнинг ўйин фаолиятлари уларнинг жисмоний ва психик жиҳатдан гармоник равишда ривожланиши учун бирдан-бир воситадир, ўйин болалар ҳаётида шундай кўп қиррали фаолиятки, унда катталарга мансуб бўлган меҳнат ҳам, турли нарсалар ҳақида тафаккур қилиш, хом-хаёл суриш, дам олиш ва хушчакчақлик жараёнларининг барчаси ўйин фаолиятида аниқ бўлади. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўйин фақат ташқи муҳитдаги нарса ҳодисаларни билиш воситасигина эмас, балки қудратли тарбия воситаси ҳамдир. Ижодий ва сюжетли ўйинларда болаларнинг барча психик жараёнлари билан биргаликда уларнинг индивидуал хислатлари ҳам шаклланади. Демак, боғчадаги таълим-тарбия ишларининг муваффақияти кўп жиҳатдан болаларнинг ўйин фаолиятларини мақсадга мувофиқ ташкил қила билишга боғлиқдир. Шундай қилиб, ўйин болалар ҳаёли томонидан яратилган нарса эмас, аксинча, болалар ҳаёлининг ўзи, ўйин жараёнида юзага келиб, ривожланадиган нарсадир. :

Шунини ҳам "таъкидлаш жоизки, фан-техника мислсиз ривожланаётган бизнинг ҳозирги даврда ҳайратда қолдирадиган нарсалар болаларга гўё, бир мўъжизадек кўринади. Натижада улар ҳам ўзларининг турли ўйинлари жараёнида ўхшатма қилиб (яъни, аналогик тарзда), ҳар хил ҳаёлий нарсаларни ўйлаб топадилар (учар от, одам машина, гапирадиган дарахт кабилар). Бундан ташқари, болаларнинг турли ҳаёлий нарсаларни ўйлаб чиқаришлари яна шунини англатадики, улар ўзларининг ҳар турли ўйин фаолиятларида фақат атрофларидаги бор нарсаларни эмас, балки айни чоғда эҳғиёжларини ҳам акс эттирадилар.

Болаларнинг ўйин фаолиятларида турли ҳаёлий ва афсонавий образларни яратишлари одамнинг (шу жумладан, болаларнинг ҳам) ташқи муҳитдаги

нарса ва ходисаларни акс эттириши пассив жараёни эмас, балки фаол, ижодий яратувчанлик жараёни эканлигидан далолат беради.

Болалар ўйин фаолиятларининг яна бир хусусияти, ўйин жараёнида боланинг қиладиган хатти-ҳаракатлари ва бажарадиган ролларининг кўпинча умумийлик характериға эға бўлишидир. Буни шундай тушуниш керакки, бола ўзининг турли-туман ўйинларида фақат ўзига таниш бўлган ёлғиз бир шофёрнинг, врачнинг, милиционернинг, тарбиячининг, учувчининг хатти-ҳаракатларнигина эмас, балки умуман шофёрларнинг, врачларнинг, тарбиячиларнинг ҳамда учувчиларнинг хатти-ҳаракатларини акс эттиради, Албатта, турмуш тажрибалари ва фаолиятлари доираси чекланган кичик ёшдаги болалар (баъзан кичик гуруҳ болалари ҳам) ўзларининг ўйинларида конкрет одамларни ва уларнинг ҳаракатларини акс эттирадилар холос. Масалан, ойисини, дадасини, акасини, тарбиячисини ва шу қабиларни. ўрта ёки катта боғча ёшидаги болаларнинг ўйинларида эса бундай образлар умумийлик характериға эға бўла бошлайди.

Боғча ёшидаги болаларнинг ўйинлари атрофдаги нарса ва ходисаларни билиш қуроли бўлиши билан бирға, юксак ижтимоий аҳамиятға ҳам эға, ўзгача қилиб айтганда, ўйин қудратли тарбия қуролидир. Болаларнинг ўйинлари орқали уларда ижтимоий фойдали, яъни юксак инсоний ҳислатларни тарбиялаш мумкин. Агарда биз болаларнинг ўйин фаолиятларини ташқаридан кузатсак, ўйин жараёнида уларнинг барча шахсий ҳислатлари (кимнинг нимаға кўпроқ қизиқиши, қобилияти, иродаси, темпераменға) яққол намоён бўлишини кўрамыз. Шунинг учун болаларнинг ўйин фаолиятлари, уларнинг индивидуал равишда урганиш учун жуда қулай воситадир. Кичик мактабгача ёшдаги болалар одатда ўзлари ёлғиз ўйнайдилар. Предметли ва конструкторли ўйинлар орқали бу ёшдаги болалар ўзларининг идрок, хотира, тасаввур, тафаккур ҳамда ҳаракат лаёқатларини ривожлантирадилар. Сюжетли-ролли ўйинларда болалар, асосан, ўзлари ҳар қуни кўраётган ва кузатаётган катталарнинг ҳачти-ҳаракатларини акс

эттирадилар. 4-5 ёшли болаларнинг ўйини аста-секинлик билан жамоа шаклидан хислатларга эга бўлиб боради.

Болаларнинг индивидуал хусусиятларини, хусусан, уларнинг жамоа ўйинлари орқали кузатиш қулайдир. Бу ўйинларда болалар катталарнинг фақат предметларга муносабатини эмас, балки кўпроқ ўзаро муносабатларини акс эттирадилар. Шунингдек, жамоа ўйинларида болалар бир гуруҳ одамларнинг мураккаб ҳаётий фаолиятларини акс эттирадилар. Масалан, «поезд» ўйинини олайлик. Бунда машинист, паровозга кўмир ёқувчи, проводниклар, контролёр, кассир, станция ходимлари ва йўловчилар бўлади. Болаларнинг мана шу каби жамоа ўйинлари артистларнинг фаолиятига ўхшайди. Чунки, жамоа ўйинидаги ҳар бир бола ўз ролини яхши адо этишга интилиши асосидаги тарбия жараёнида болада содда ахлоқ меъёрлари ва қоидалар эгалланилади. Бу меъёр ва қоидалар бола ахлоқини бошқаради.

Боланинг унинг атрофидаги кишилар билан хилма-хил муносабатлари юзага келиб, бу муносабатлар асосида турли хил мотивлар ётади. Буларнинг ҳаммаси боланинг индивидуаллигини ташкил этиб, унинг бошқа болалардан нафақат интеллекта, балки ахлоқий мотивацион жиҳатдан фарқланадиган шахсга айлантиради.

Мактабгача ёшдаги болалар шахси ривожланишининг асосий узгаришлари, уларнинг ўз шахсий сифатлари, лаёқатлари, муваффақият ва муваффақиятсизликларини англаши, ўзини-ўзи англаши каби хисларнинг юзага келиши ҳисобланади.

### **1.3. Мактабгача таълим ёшидаги болаларда диққатнинг шаклланганлик даражаси**

Мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчилар ихтиёрий диққатини шаклланганлик даражасини аниқлаш мақсадида Қарши

шаҳридаги ... – ва – МТМ да тажриба-синов ишларини ўтказдик. Тажриба-синов ишларида жами 12 нафар тарбиячи ва 87 нафар тарбияланувчи иштирок этди.

Тажриба авваалида МТМ да олиб борилаётган машғулотлар ва тарбиячилар фаолиятини кузатдик, тарбияланувчиларда ихтиёрий диққатнинг шаклланганлик даражасини аниқладик.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ихтиёрий диққатнинг шаклланганлик мезонлари сифатида қуйидагиларни белгилаб олдик:

- Диққатнинг тўпланиши, яъни объектга нисбатан диққатини қарата олиши;
- Диққатнинг маҳсулдорлиги ва барқарорлиги, яъни объектга нисбатан қаратилган диққатнинг давомийлиги ҳамда самарадорлик даражаси;
- Топшириқнинг бажарилиш тезлиги.
- Диққатнинг кўчиш даражаси, яъни алмашинаётган топшириқларга нисбатан диққатини жамлай олиш даражаси.

Шахс фаол диққатининг хусусиятларини унинг кўчирилишини ўрганиш учун Б.Бурдон корректор синови методикаси диққатнинг тебраниши, кўриш анализатори узоқ вақт ишлаганда бир кўрув кўзғатувчиларга нисбатан sinalувчининг чарчашини аниқлашга имкон беради. Бурдон тести махсус қоғозда кўрсатилади. Қоғозда ҳарфлар тасодифий равишда ёзилган бўлиб, sinalувчи уларнинг иккитаси ёки тўрттасини ўчириш керак. Бунда экспериментатор ҳар 30 ёки 60 сонияда sinalувчи қалами турган жойни белгилаб қўяди, шу билан бирга барча топшириқни бажариш учун умумий вақт ҳисобга олинади. Тажрибани индивидуал ва гуруҳ билан ўтказиш мумкин. Тажрибани бошлашдан олдин sinalувчиларга кўрсатма берилади: "Олдингизда ҳарфлар ёзилган қоғоз турибди. Сизлар бу ҳарфларни диққат билан кўздан кечиринг. Уларнинг ичидан АМКЗ ҳарфларини топиб, вертикал чизиқлар билан ўчириб чиқасиз. "Бошланг" дейилгандан сўнг ишга киришасиз ва "тўхтанг" деганда ишни

тўхтатасиз". Шундан сўнг бир дақиқа давомида синалувчилар машқ килдирилиб ўргатилади, машқлардан сўнг синалувчи асосий вазифани бажаришга киришади. Тажриба беш дақиқа давом этади. Тажриба натижаларини қайта ишлаш махсус қоғоз орқали амалга оширилади. Унда ўчириладиган ҳарфлар ўрни ва ўчириладиган ҳарфлар сони ўнг томондан ва ҳар бир қаторга ўтганда ўчириладиган сонларнинг йиғиндиси чап томонда берилади. Калит (бланк) ни синалувчи қоғози устига қўйиб тадқиқотчи микдорий таҳлилни осонгина олиб бориши мумкин. Корректор синовни бажариш натижалари (диққатнинг тўпланганлиги, топшириқни бажариш тезлиги, диққатнинг кўчиши)ни микдорий аниқлаш мумкин. Диққатнинг тўпланганлик даражасини (К)ни қуйидаги формула

$$П1-П2-П3$$

ёрдамида ҳисоблаш мумкин.  $K = \frac{П1-П2-П3}{П} \cdot 100\%$

П

Бу ерда П1- тўғри ўчирилган ҳарфлар йиғиндиси; П2- ўчирилмай қолган ҳарфлар йиғиндиси; П3- нотўғри ўчирилган ҳарфлар йиғиндиси; П- ўчирилган ҳарфлар (АМКЗ)ларнинг умумий йиғиндиси.

Психотехникада диққатнинг тўпланиши (К) ни сифатий баҳолашда қуйидаги тизим қабул қилинган:

81-100% - жуда яхши;

61-80%- яхши;

41-60% -ўрта;

21-40%-ёмон;

0-20% -жуда ёмон;

Топшириқни бажариш тезлиги кўрсаткич (А) қуйидаги формула билан аниқланади:

$$A = \frac{C}{T}$$

Бу ерда С - синалувчининг корректор жадвалдан ишлаган қисми; Т- бажариш вақти.

Диққатнинг кўчишини ўрганиш учун синалувчи корректор жадвалдан тоқ ва жуфт қаторлардаги ҳар хил ҳарфлар тўпламини ўчириш таклиф этилади.

Диққатнинг кўчиш даражаси (С) қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$C = \frac{C_0}{C} \cdot 100\%$$

Бу ерда C<sub>0</sub>- хато ишланган қаторлар сони; С - синалувчи жадвалда ишланган қаторларнинг умумий сони. Шу тариқа психодиагностик методикалардан таълим жараёнида ўринли фойдалана олсак биздан талаб этилаётган психологик хизматда бола психик тараққиёт даражасини аниқлаш муаммоларини ҳал эта борамиз.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар диққатини ўрганиш

«Топ ва ўчир»

Ушбу методика мактабгача ёшдаги болаларда диққатнинг маҳсулдорлиги ва барқарорлигини ўрганишга хизмат қилади

Болага кўзиқорин, уйча, челакча, копток, гул, байроқчалар тартибсиз жойлаштирилган расм кўрсатилади.

Тадқиқот бошланишидан олдин болага қуйидагича кўрсатма берилади

КУРСАТМА: «Ҳозир биз сен билан жуда қизиқарли ўйин ўйнаймиз Мен сенга яхши таниш бўлган предметларнинг расмини кўрсатаман

« БОШЛА» деган буйруқдан сўнг мен айтган предметни топиб уни ўчириб борасан.

«ТЎХТА» буйруғи бўлмагунча предметни топиб ўчиришни давом эттирасан. Шундан сўнг менга охириги кўрган предметингни кўрсатасан мен

ушбу жойга алоҳида белги қўйиб қўяман ва яна « БОШЛА» деган буйрук бераман. Бу ҳолат бир неча мартаба такрорланади. Топширикни бажариш «ТУГАДИ» деган буйрукдан сунг тўхтатилади».

Бола 2.5 минут давомида ҳар 30секунд вақг оралиғида 5 мартаба «БОШЛА» ва «ТЎХТА» буйрути асосида топширикни бажаради. Текширувчи болага турли хил предметларни тавсия этиши мумкин.

### Натижани баҳолаш

Натижаларни баҳолашда бола томонидан 2,5 минут давомида ва 30 секунд оралиғида кўриб чиқилган предметлар сони эътиборга олинади. Олинган маълумотлар диққатнинг маҳсулдорлиги ва барқарорлиги ривожланиш даражасининг умумий кўрсаткичи ҳисобланган махсус формулага киритилади

$$\text{Бу ерда: } S \sim \frac{0,5 \cdot N - 2,8 n}{t}$$

S - диққатнинг барқарорлиги ва маҳсулдорлиги кўрсаткичи-

N - бола томонидан топширикларни бажариш жараёнида куриб чиқилган предметлар сони;

t- ишни бажариш вақги;

n - хатолар сони.

Натижаларнинг миқдорий тахлили килишда ҳар 30 секунд вақг учун ва умуман 2,5 минут учун алоҳида-алоҳида формула асосида ҳисоб бажарилади.

Барча S — кўрсаткичлари учун график чизилади. Ушбу график асосида бола диққати барқарорлиги ва маҳсулдорлиги динамикасининг ўзгариши ҳақида хулоса чиқариши мумкин.

График чизиш учун диққатнинг маҳсулдорлиги ва барқарорлиги кўрсаткичи 10 баллик тазимга ўзгартирилади.

10 балл -  $S = 1,25$  дан юқори

8-9 балл -  $S = 1-1,25$

6-7 балл -  $S = 0,75 - 1$

4-5 балл -  $S = 0,5 - 0,75$

2-3 балл-  $S = 0,24-0,50$

0-1 балл-  $S = 0,01-0,24$

Диққатнинг барқарорлиги ва маҳсулдорлиги даражаси.

10 балл - диққатнинг барқарорлиги ва маҳсулдорлиги жуда юқори;

8-9 балл - диққатнинг барқарорлиги ва маҳсулдорлиги юқори;

4-7 балл - диққатнинг барқарорлиги ва маҳсулдорлиги ўртача;

2-3 балл - диққатнинг барқарорлиги ва маҳсулдорлиги паст;

0-1 балл - диққатнинг барқарорлиги ва маҳсулдорлиги жуда паст.

#### «Белги қўйиш»

Ушбу тест топшириғи болаларда диққатнинг кўчиши ва тақсимлашини баҳолашга хизмат қилади. Топшириқ бажарилишидан аввал болага махсус расм кўрсатилади.

Топшириқнинг мазмуни расмда тасвирланган геометрик шаклларга махсус белгилар қўйишдан иборат.

Бола 2 минут давомида узлуксиз равишда топшириқни бажаради. Диққат тақсимланиши ва кўчишининг умумий кўрсаткичи куйидаги формула билан ҳисобланади:

$$0,5-N-2,8 \text{ п}$$

Бу ерда:  $S = \text{-----}$

$$120$$

$S$  - диққатнинг тақсимланиши ва кўчиш кўрсаткичи.

$N$  - 2 минут мобайнида кўриб чиқилган геометрик шакллар



сони.

п - хатолар сони.

Натижани баҳолаш.

10 балл - S - 1 дан катта

8-9 балл - S = 0.75 - 1

6-7балл- S = 0.50-0.75

4-5 балл - S = 0.25-0.50

0-3 балл -S = 0.00-0.25

Диққатнинг тақсимланиши ва кўчиш даражаси.

10 балл - жуда юқори

8-9 балл - юқори

6-7 балл – ўртача

4-5 балл – паст

0-3 балл - жуда паст

Юқорида белгилаб берилган мезонлар асосида тарбияланувчиларда ихтиёрий диққатнинг шаклланганлик даражасини аниқладик. Натижалар қуйидагича бўлди:



№	Мезонлар	Натижалар (жами иштирокчилар 45 нафар)				
<i>1-мезон мазмуни</i>	Диққатнинг тўпланиши, яъни объектга нисбатан диққатини қарата олиши	<i>1-мезон бўйича натижалар</i>				
		Жуда юқори	Юқори	Ўрта даража	Паст	Жуда паст
	<i>Фоиз ҳисобида</i>					
<i>2-мезон мазмуни</i>	Диққатнинг маҳсулдорлиги ва барқарорлиги, яъни объектга нисбатан қаратилган диққатнинг давомийлиги ҳамда самарадорлик даражаси	<i>2-мезон бўйича натижалар</i>				
		Юқори даража		Ўрта даража	Қуйи даража	
	<i>Фоиз ҳисобида</i>					
<i>3-мезон</i>	Топшириқнинг бажарилиш тезлиги	<i>3-мезон бўйича натижалар</i>				
		Юқори даража		Ўрта даража	Қуйи даража	

	Фоиз ҳисобида					
<b>4-мезон мазмуни</b>	Диққатнинг кўчиш даражаси, яъни алмашинаётган топшириқларга нисбатан диққатини жамлай олиш даражаси	<b>4-мезон бўйича натижалар</b>				
		Юқори даража		Ўрта даража	Қуйи даража	
	Фоиз ҳисобида					
	<b>Умумий натижалар</b>					
	<b>Фоиз ҳисобида</b>					

## **II БОБ. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАЛАР ИХТИЁРИЙ ДИҚҚАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛ ВА ВОСИТАЛАРИ**

### **II.1. Мактабгача таълим муассасаларида элементар математик тушунчаларни шакллантиришга доир давлат талаблари ва машғулотлар мазмуни**

«Биз ўсиб келаётган ёш авлод таълим тарбиясини, уларнинг замонавий илғор билимларга эга бўлган ҳолда улуғ бобокалонларимиз меросига муносиб бўлишларини давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиш деб биламиз», деган эди биринчи Президентимиз И.А. Каримов.

Бу устувор йўналишни амалга оширишда биринчи навбатда таълим тизимини ислоҳ қилиш кераклигини таъкидлайди. У «Кишиларнинг умумтаълим ва профессионал даражасини ошириш, янги талаблар асосида кишиларнинг саводхонлигини ўстириш, узлуксиз таълим тизимини жорий этиш энг муҳим масала», эканлигини қайд этган ва «Ҳар хил чуқур ва мустахкам билимсиз олдимизда турган вазифаларни бажариш мумкин эмаслигини аниқ тушунмоғи лозим» деб таъкидлайди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да «Халқнинг бой, интеллектуал мероси ва умумбашарий кадриятлар асосида замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шартидир», деб кўрсатилган.

Шунга асосан, «Кадрлар тайёрлаш миддий дастури» «Инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими воситасида ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантиришга хизмат қилади.

Кадрлардан самара олиш учун, миллий кадрлар тайёрлаш учун махсус дастур ишлаб чиқилди. Бу дастур қуйидаги мазмунга эга.

- умумий таълим мактабларида дарс сифатини ошириш (ўқитувчиларни,

методистларни қўшимча равишда моддий рағбатлантириш, махсус синф хоналар барпо этиш, олий ўқув юртларининг мактабларни оталикка олишни йўлга қўйиш)

- энг истеъдодли болалар учун мактаблар очиш;

- корхоналар билан мактаблар ўртасида сифат жиҳатидан янги муносабатларни жорий этиш.

- Хунар техника билим юртларида хўжалик ҳисобини жорий этишни ва шу асосда оммавий касб кадрларини тайёрлаш сифатини кескин ошириш;

- Олий ўқув юртларида мутахассис тайёрлаш тизимини қайта кўришни, бу соҳага кадрлар тайёрлашнинг буюртма бериш усули жорий этишни ўз ичига олиши керак.

Дастурнинг мактабгача тарбия мутахассисларини тайёрлаш тизимида «Мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасвурларни шакллантириш асослари ва методикаси» курси муҳим ўрин тутди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда болалар МТМ сида математика ўқитиш бутун тизимида ўз кўлами ва аҳамияти жиҳатидан ниҳоятда катта бўлган ўзгартиришлар амалга оширилди.

Мактаб олдида янги мақсадларнинг қўйилиши билан МТМда математик таълим бериш мазмунининг тубдан ўзгаришига олиб келди. Ислохотлар натижасида болаларга таълим ва тарбия бериш вазифалари, мазмуни, шакл ва услублари тубдан ўзгармоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим муассасаларининг фаолиятини меъёрлаштирувчи, юқорида айтганимиздек, «Таълим тўғрисида» ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» билан бир қаторда «Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тўғрисида Низом», «Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим тарбиясига қўйилган давлат талаблари» каби муҳим давлат ҳужжатлари қабул қилинди.

**«Таълим тўғрисида» ги Қонуннинг 11-моддасида таъкидланишича, «мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришдан асосий мақсад**

**уларни соғлом, ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида тарбиялаш ва мактаб таълимига тайёрлашдир».**

Давлат талаблари мактабгача 6-7 ёшдаги боллаар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг меъёрини белгилаб беради.

Болаларнинг ақлий ривожланишини таъминлашда илк математика тасаввурни узлуксиз ўстириб бориш муҳим ўрин тутди.

Мактабгача 6-7 ёшдаги болаларнинг математикага оид эгаллаш зарур бўлган минимал талаблар қуйидагилар:

- биринчи ўнликнинг сон таркиби (алоҳида birlikлардан) ва 2,3,4,5 ларнинг 2 кичик сонлан таркиб топганлигини билиш.

- Биринчи ўнликдаги ҳар бир соннинг қандай хосил бўлишини билиш, бунинг учун сон қаторидан аввалги сонга бирни қўшиш ва кейинги сондан бирни айириш.

- 0,1,2,3,4,5,6,7,8,9 рақамларини ва қ.,кқ ишораларини билиш;

- тангаларни ва 1,3,5,10 сумлик қоғоз пулларни билиш;

- ҳафта кунларининг кетмакетлиги, кун қисмларини билиш;

- 20 тагача бўлган миқдорлаги предметларни санаш, санаб ажратиш, қайта санаш, эшитганларини пайпаслаб топа олиш;

- нарсалар сонини рақам билан мувофиқлаштириш;

- 20 ичида ёнмаён сонларни таққослай олиш, қайси сон бошқасидан катта (кичик) лигини аниқлай олиш;

- нарсалар катталигини турли белгилари (узунлиги, кенглиги, баландлиги, йўғонлиги)га кўра кўз ташлаш ва чизғич ёрдамида таққослаш.

- Тўғри ва эгри чизикларни, кўпбурчакларни фарқлай олиш, тасвирлай олиш, учбурчаклар, тўртбурчаклар, кўпбурчаклар томонларини кўрсатиш ва санаш.

- Бир неча учбурчак, тўртбурчаклардан каттароқ ўлчашдаги шаклларни хосил қилиш билан геогматрик шакллар кўринишини ўзгартира олиш;

- Доира, квадратларни 2 та ва 4 та тенг бўлакка бўла олиш.

-Катак чизикли қоғоз варағида ва атроф фазода мўлжал қила олиш;

Дастур вазифаларини ўрганиш ҳар бир мактабгача 6-7 ёшдаги болаларга куйидаги имкониятларни беради.

- ранг билан (қизил, кўк ва х) ифодаланадиган ўлчами билан (катта, баланд, узун, йўғон ва х), жойлашуви билан (устки, чап томондаги, биринчи ва х), нимадан тайёрланганлиги билан (ёғочдан, қоғоздан ва х) ифодаланадиган предметлар хусусиятини аниқлашга ўрганиш;

- айрим фазовий тасаввурларни таркиб топтириш (тепасида, пастида, ўнг томонда, орқа томонида, ёнида ва х) тегишли атамаларни билиш;

- ҳаракат йўналиш ҳақидаги тушунчаларни таркиб топтириш, чапга, ўнгга, олдинга, орқага ва х.

- Нарса ва катталикларни хусусиятларига кўра таққослашга ўрганиш; кўпроқ, камроқ, илгарироқ (олдинроқ), кейинроқ, гача, дан кейин каби атамаларни мувофиқ равишда эгаллаш;

- Нарсаларни кўрсатилган хоссаси ва миқдорига кўра ажратиш олиш;

- 2 кўпни таққослаш ва тенглаштири олиш (кўпроқ, камроқ, шунча, баробар)

- нарсаларни санаш; 1дан 20 гача бўлган сонларни кўпайиб ва камайиб борувчи тартибда хосил қилиш, айтиш, ифодалаш, ҳар қандай айтилган сондан бошлаб давом эттири олиш, сонларни таққослаш.

- Оддий геометрик шаклларнинг номини айтиш, фарқлаш (учбурчак, тўртбурчак, юмалоқ ва х), нарсаларнинг шаклига кўра турларга ажратиш;

- Катта чизиқли қоғоз варағида оддий шакл ва нақшларни чиза олиш, чизғич ёрдамида бўлақлар ва бошқа шаклларни чизиқ устидан қирқиш, қоғоз варағини бўқиш орқали турли шаклларни хосил қила олиш, юмалоқ, учбурчак, тўртбурчакларни бўйаш;

- Қайта санаш, кўшиш йўллари билан натижани топишга тайёрлайдиган, кўпликларни кўшишга доир оддий масалларни еча олиш малакасини шакллантириш.

- Вақт ҳақида оддий тушунчаларга эга бўлиш; кун қисмлари, ҳафта кунлари, йил фасллари;



Юқорида кўрсатилган кўрсаткичлар мактабгача ёшдаги болалар Таълим-тарбиясига қўйилган Давлат талаблари асосида эгаллаши зарур бўлган билим, кўникма, малакаларининг бир йўналиши бўлиб, у босқичма-босқич амалга оширилади. Талабларда белгиланган кўрсаткичларга эришиш учун давлат томонидан зарурий шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилди. Жумладан, “БОЛАЖОН” таянч дастури ишлаб чиқилди.

Мактабгача таълим узлуксиз таълимнинг асосий бўғинидир. Авваллари бу тизим халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган ота-оналарнинг ижтимоий фаолияти учун шарт-шароит яратишгагина хизмат қилган бўлса, эндиликда болалар МТМлари иш мазмунига қўйилган талаблар ҳам ўзгартирилди. Асосий вазифалардан бири кичкинтойларни мактаб босқичида ўқишга тайёрлашдир.

Болалар МТМлари тарбияланувчиларига таълим беришда мактаблар ўқув дастурларига яқинлаштирилган 12 йўналишли янги дастурлар ишлаб чиқилгани, синовдан ўтказилиб, жорий этишга киришилди.

МТМларда бу дастурларни таълим жараёнида қўллаш орқали ижобий натижалар қўлга киритилди.

Жумладан, мактаб олдига янги мақсадларнинг қўйилиши билан МТМда математика таълим бериш мазмунининг тубдан ўзгаришга олиб келди.

МТМ болаларига математикадан самарали таълим бериш булажак тарбиячи мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун ишлаб чиқилган «Мактабгача ёшдаги болаларда математика тасаввурларни шакллантириш» курсини ўқиш методикасини эгаллаб, чуқур ўзлаштириб олмоғи зарур.

Ёш авлодии ўз халқи, жамияти ва юртига фидоийлик руҳида келажак тақдири учун масъулликни ҳис эта оладиган, бой миллий маданий меросимиз ва қадриятимизга ҳурмат ва асраб авайлаш руҳида тарбиялаш жамиятимиз олдида турган кечиктириб бўлмас вазифа экан, бунда барча таълим тарбия иши билан шуғулланувчи ходимлардан катта катта ишларни бажаришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш Миллий дастури (1997 й) узлуксиз таълимни бир бутун тизимини яратиш вазифасини илгари сурди ва мутахассислар тайёрлаш сифатига қўйиладиган талабларни янада оширди. Яна шунга боғлиқ ҳолда Республикадаги педагогика олий ўқув юртларидаги таълим тарбия жараёнини такомиллаштириш масаласи долзарб масалага айланди.

Мактабгача тарбия мутахассисларини тайёрлаш тизимида «Мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларни шакллантириш асослари ва методикаси» курси муҳим ўрин тутди. Сўнги йилларда мамлакатимизда болалар МТМсида математика ўқитиш бутун тизимида ўз қўлами ва аҳамияти жиҳатидан ниҳоятда катта бўлган ўзгартиришлар амалга оширилмоқда.

Мактаб олдида янги мақсадларнинг қўйилиши билан МТМда математик таълим бериш мазмунининг тубдан ўзгаришига олиб келди.

МТМ болаларига математикадан самарали таълим бериш бўлажак тарбиячи мактабгача ёшдаги болалар учун ишлаб чиқилган «Мактабгача ёшдаги болаларда математик тасаввурларни шакллантириш» курсини ўқиш методикасини эгаллаб, чуқур ўзлаштириб олмоғи лозим.

Болалар МТМсида математик таълим бериш методиканинг предмети қуйидагилардан иборат:

1. Математика ўқитишда кўзда тутилган мақсадларни асослаш. Нима учун математика ўқитилади, ўргатилади?).

2. МТМда математика ўқитиш мазмунини илмий ишлаб чиқиш. (нимани ўргатиш?). Болаларга билимлар қандай берилганда, бу билимлар фан, техника ва маданиятнинг ҳозирги замон ривожланиши талабларига мос келадиган бўлади.

3. Математика билим бериш методларини илмий ишлаб чиқиш (қандай ўқитиш керак?), яъни болалар ҳозирги кунда зарур бўлган билимларни, малакаларни, кўникмаларни ва ақлий фаолияти, қобилиятларини эгаллаб оладиган бўлишлари учун ўқув ишлари методикаси қандай бўлиши керак?

Математик билимларни эгаллаш жараёнида болалар шахсининг гармоник ривожланиши ва шаклланишини амалга ошириш учун қандай ўқитиш керак?.

4. Математик билим бериш воситаларини дарсликлар, дидактик материаллар, кўрсатма қўлланмалар ва техник воситаларни ишлаб чиқиш (нима ёрдамида ўқитиш).

5. Таълимни ташкил қилишни илмий ишлаб чиқиш (дарсни ва таълимнинг машғулотдан ташқари шакллари қандай ўтказиш? Машғулот ишларини қандай ташкилий методларда ўтказиш керак? Машғулот жараёнидаги таълимий ва тарбиявий масалаларни қандай қилиб самаралироқ ҳал қилиш керак?).

Болаларга билим бериш мақсадлари, методлари, воситалари ва шакллари методик тизимнинг асосий компонентларидир.

Болаларга реал оламдаги юз берадиган энг содда ходисалардаги миқдорий нисбатларни тушунишга ва оламдаги фазовий шакллари (жойлашишларини); натурал сон, геометрик шакл, миқдор ва бошқа тушунчалар абстракт аммо улар реал борлиқдаги предметларга хос бўлган боғланиш ва муносабатларни акс эттирадиган ҳажмда билимлар бериш. Бу билимлар фазовий тасаввурларни ривожлантиришга мантиқий фикрлай билишга ёрдам бериши керак.

Математикани ўргатиш болаларда ўз она тилида хатосиз сўзлашга, ўз фикрини аниқ ва равон қилиб баён эта билишга ўргатишда ёрдам бериши керак. Математикани баён этишда сергапликка йўл қўйиш мумкин эмас, бунда ҳар бир сўзни ўз ўрнида ишлата билиш айниқса муҳимдир. Математика фани олдида турган мақсадлар: умумий таълим, амалий ва тарбиявий мақсадларидан иборатдир.

*Мақсад:*

1. Болаларни мактабда асосий фанлардан билим олишга ўргатиш (шу қаторда математикадан ҳам).

2. Ёш болаларга математик билим бериш.

Тарбиявий мақсадлар: Математикага доир бажариладиган ишлар болаларни бошқа оладиган билимларига қараганда кўпроқ саботликка, тиришқоқликка, пухталиқка, аниқликка ўз фикр ва хулосаларини назорат қила олишга, айниқса кузатиш, тажриба ва фахмлаш асосида айтиладиган фикрларининг равон бўлишига эътибор бера билишга одатлантириш керак.

Болаларда математик билимларга бўлган қизиқиш, математик характердаги масалаларни сабр тоқат ва тиришқоқлик билан ечиш кўникмалари ривожлантирилади.

Индуктив ва дедуктив тафаккурнинг бошланғич кўникмаларини ақлий операстияларни, яъни таҳлил қилиш, синтез қилиш, таққослашни, абстрактлаштириш ва умумлаштириш қобилиятларини ривожлантиришга, идроклилиқ ва зийрақликни, фазовий тасаввурларни ва хаёлни ўстиришга математик таълим бериш катта ёрдам қилади.

Амалий мақсадлар: математик билим беришдан кузатилган амалий мақсадлар болаларнинг назарияни амалиётга боғлай олишидан, яъни олинган билимларни амалий масалаларни ҳал қилишга, болалар тўплам ва сон ҳақида, катталиқ (миқдор)ларнинг бир-бирига нисбати ҳақида, энг оддий геометрик шакллар ҳақида бошланғич тасаввурга эга бўладилар, жой ва вақтни билишни ўрганадилар: болалар олган билимларини ўзларининг кундалиқ меҳнат ва ўйин фаолиятида ва маиший ҳаётида учрайдиган математикага доир савол ва масалаларни ҳал қилишга татбиқ эта билиш малакаларини ҳосил қилиш керак.

1. Мактабгача тарбия муассасаларида талабаларда математика элементлари билан таълимнинг назарий асосларини болаларнинг математик ривожланишини руҳий хусусиятларини билишнинг мазмуни ва методикасини шакллантириш.

2. Талабаларда болалар МТМсида таълим жараёнининг математика элементлари билан ташкил қилишнинг касбий кўникмасини ривожлантириш, машғулотларни режалаштириш, матнларни тўзиш ва таҳлил қилиш: методик

усуллар ва таълимий ўйинлар тўплаш: уларнинг мазмуни ва методлари билан ишлашни таҳлил қилиш.

3.Талабларни мактаб билан оиланинг узвий боғлиқликда бўлишини ўрнатишга ўргатиш.

Талабаларни ушбу курс бўйича мактабгача таълим коллежида ишлаш мазмуни ва шакллари билан таништириш.

4. Мактабгача ёшдаги болаларда элементар математик тасаввурларни шакллантиришнинг вазифалари (таълимий ва тарбиявий) ўқитиш мазмуни ва йўлларининг умумий тавсифи.

## **II.2 Мактаб ёшигача бўлган болаларда геометрик шакллар билан боғлиқ тасаввурларни шакллантириш методикаси**

Дидактик материал сифатида дастурий вазифаларни амалга ошириш учун 3-4 ёшдаги гуруҳдаги болалар учун оддий геометрик ясси фигуралар (айлана, квадрат) турли ўлчовдаги ва турли рангдаги моделларидан фойдаланилади.

Тизимли машғулотлар ўтказишни бошлашдан олдин педагог болалар учун геометрик фигуралар тўпламидан ёки геометрик мозаика ёрдамида ўйинлар ташкил этади. Бу даврда болалар идрок этишини бойитиш, турли геометрик фигуралар ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш ва уларни тўғри аталишини ўргатиш жуда муҳимдир.

Машғулотларда геометрик фигуралар бўлмиш айлана ва квадратни фарқлашни ва тўғри аталишини ўргатилади. Ҳар бир фигура бошқаси билан таққослаш орқали ўргатилади ва ўрганилади.

Биринчи машғулотда бирламчи эътибор фигураларни тадқиқ этиш усулларига қаратилиб, албатта предметни атрофлича (айлантириб) кузатиш ёки ихтиёрий диққат орқали уларни номланиши ўзлаштирилади.

Тарбиячи фигурани кўрсатиб уни номини айтади, болаларга худди шунингдек шаклни қўлларига олишларини сўрайди. Сўнгра педагог мазкур

фигуралар билан ҳаракатларни амалга оширади: айланани айлантиради, квадратни олиб уни айланиш ёки айланмаслигини текшириб кўради. Худди шунингдек ҳаракатларни болалар бошқа рангдаги ва бошқа ўлчамдаги фигуралар билан амалга ошириб кўрадилар.

Хулоса қисмида фигураларни таниш ва сўзлар билан белгиланишига доир икки-учта машқ ўтказилади, масалан, “Мен ўнг кўлимда нимани ушлаб турибман, чап кўлимда-чи?”, “Айиқчага айланани, қуёнчага квадратни бер” ва бошқалар.

*Кейинги машғулотларда болаларда ихтиёрий диққат орқали геометрик фигураларни тўғри аташ ва фарқлашни мустаҳкамлаш мақсадида турли машқлар тизими ташиқил этилади:*

а) наmunани танлашга оид машқлар: “Худди шундайини (олиб кел, кўрсат, олиб бориб қўй)”;

б) сўз бўйича танлашга оид машқлар: “Айланаларни (олиб кел, кўрсат, олиб бориб қўй, тўплагин)”;

в) дидактик ва ҳаракатланувчи ўйинлар шаклидаги машқлар: “Бу нима?”, “Сехрли халгача”, “Нима йўқолиб қолди?”, “Ўз уйчангни топ» ва шу кабилар.

Беш ёшдаги болаларда энг аввало айлана ва квадратни фарқлашни ва тўғри аталишини мустаҳкамлаш, сўнгра эса учбурчакни ўргатиш лозим. Ана шу мақсадда ўйинли машғулотлар ўтказилади, унда болалар турли рангдаги ва турли ўлчамдаги фигураларни гуруҳлашади. Ранг ва ўлчамлар ўзгартирилади, шаклнинг белгилари ўзгартирилмайди. Бу эса болаларда фигуралар ҳақидаги умумлашган билимларни шакллантириш имконини беради. Ундан сўнг болаларга индивидуал конвертлардаги фигураларни кўриб, бир хил шаклдагиларини ажратишни улар ҳақида гапириб бериш сўралади.

Шундай қилиб, кўрғазмали материални доимий алмаштириб, болаларда объектдаги муҳим ва муҳим бўлмаган белгиларини ажрата олишни ҳамда

улар устида машқ қилиш имкониятини яратамиз. Худди шунингдек машқларни янги фигуралар устида ҳам такрорлаш мумкин.

Янги гаметрик фигуралар билан болаларни маълумларини таққослаш орқали таништирилади:

-тўғри тўрт бурчак квадрат билан,

-шар айлана билан, сўнгра куб билан,

-куб квадрат билан, сўнгра шар билан,

-цилиндр тўғри тўрт бурчак ва айлана билан, сўнгра шар ва куб билан.

Фигураларни солиштириш ва кузатиш аниқ кетма-кетлик асосида амалга оширилади:

а) фигураларни устма-уст ёки ёнма-ён қўйиш; бу усул фигураларни ўзига хос томонларини аниқ билиш, ўхшаш ва фарқларини ажратиш имкониятини беради;

б) шаклларни тадқиқ этиш албатта уларни ҳаракатлантириш ва шакл баъзи-бир элементларини ҳамда белгиларини ажратиш кўрсатиш орқали ташкил этилади. Шаклни тадқиқ этиш самараси қандайдир маънода тарбиячининг ўз сўзлари орқали болаларни кузатувчанлигини ташкил эта олганлиги, нималарга (бурчакларга, уларни сонига, боғлиқлигига, рангига, бир хил шаклдагиларни ўлчамига) эътибор бериш кераклигига болаларни йўналтира олганлигига боғлиқдир.

в) шакллар билан турли ҳаракатларни ташкил этиш (юмалатиб кўриш, турли ҳолатларга қўйиб кўриш ва ш.к.), болалар моделлар билан ишлаш жараёнида уларнинг турғун ёки турғун бўлмаган, тавсифий хоссаларини аниқлашади. Масалан, болалар шар билан цилиндрни турлича қўйишга ҳаракат қилиб кўришади. Цилиндрни юмалатиш, ётқизиш, турғизиб қўйиш, мумкин шарни эса ҳар доим юмалатиш мумкинлигини англаб етадилар;

г) шаклларни катта ва кичиклиги тартибига қараб гуруҳлаш ташкил этиш (“кўринишига қараб ажратинг”, “рангига кўра ажратинг”, “тартибга келтиринг”);

д) болаларни шаклларни ажрата олиши ва номини айта олиши кўникмасини мустаҳкамлаш учун ўйин машқларини ва дидактик ўйинларни ташкил этиш (“нима ўзгарди”, “жуфтини топинг”, “сирли халтача” ва ш.к.); шу аснода геометрик шакл ва жисмларни тавсифий хоссаларини аниқлашади. Айтиб ўтганимиздек, 5-6 ёшли болаларда геометрик шакллар ҳақидаги билимларни тизимли шакллантириш асосий вазифа ҳисобланади. Ушбу тизимдаги дастлабки ҳолат геометрик шакллар ва уларнинг асосий белгиларига қараб умумлаштира олиш ҳисобланади.

Болаларга улар учун маълум шакллар берилиб, кўллари билан квадрат, тўғри тўртбуччак ва айлана чегараларини мушоҳада қилиш, бу шакллар нима билан бир-биридан фарқ қилишлиги ва уларда нималар бир хиллиги ҳақида ўйлаб кўриш таклиф этилади. Улар квадрат ва тўғри тўртбурчакда “бурчакчалар” борлигини, айланада эса улар йўқлигини аниқлашади. Тарбиячи шаклни бармоғи билан айлантириб, квадрат ҳамда тўғри тўртбурчакда бурчак ва томонлар борлигини кўрсатади ва тушунтиради.

Бурчак - шаклни иккита томони бирлашиши натижасида пайдо бўлади. Томонлар ва бурчаклар шаклнинг чегарасини, чегаралар ички соҳа билан биргаликда шаклни ташкил этади.

Турли шаклларда болалар унинг ички соҳасини ва чегарасини – томонларни, бурчакларни шаклни ички соҳаси сифатида кўрсатишади.

Болаларга шаклни ички соҳасини қизил қалам билан штрихлашни, кўк рангли қаламда уни чегарасини белгилаш таклиф этилиши мумкин. Болалар нафақат шаклларнинг алоҳида элементларини кўрсатишади, балки уларнинг томонларини, бурчакларини санаб кўрсатишади. Квадратни айлана билан таққослаб, улар айланада томон ва бурчаклар йўқлигини, унда фақат чегара мавжудлиги аниқлашади.

Кейинчалик болалар ҳар қандай шаклнинг ички соҳаси, унинг чегарасини ажратишга, томон ва бурчакларини санашга ўргатилади. Учбурчакни тадқиқ эта туриб, улар учбурчакда учта томон учта бурчак бор деган хулосага келишади. Кўп ҳолларда болалар нима учун бу шакл тўғри



тўртбурчак ва квадратдан фарқ қилган ҳолда учбурчак деб аталишини айтиб беришади.

Болаларда ишонч ҳосил қилиш ва улар ажратиб кўрсатган белгилар таҳлил этилган шаклларга тавсифли эканлиги ишонтириш учун, тарбиячи ўша шаклларни катта ўлчамдагиларини тақдим этади. Уларни тадқиқ қилиб, болалар квадратлар, тўғри тўртбурчаклар, трапециялар, ромбларни томон ва бурчакларини санашиб, мазкур шакллар уларнинг ўлчами қандай бўлишидан катъий назар, тўртта бурчак, тўртта томонга эга деган хулосага келадилар.

Шунга ўхшаш машғулотларда тайёр билимларни тақдим этиш билан чегараланмасдан, болаларни жавобни излаш ҳолатига келтириш лозим бўлади. Болаларни хулоса чиқаришга, жавобларга аниқлик киритишга ва умумлаштиришга ўргатиш зарур.

Билимларни болалар олдига саволларни қўйиш тарзида тақдим этиш натижасида уларда бунга жавоб бўлмаслиги, ҳар доим ҳам керакли жавоб топилмаслиги мумкин, лекин саволлар болаларни ўйлашга ва тарбиячинини диққат билан тинглашга мажбур этади.

Болалар боғчасида таълим-тарбия бериш дастури катта ёшдаги тарбияланувчиларни тўртбурчаклар билан таништиришни назарда тутаяди. Бунинг учун болаларга тўртта бурчакка эга шаклларни кўпчилиги кўрсатилади ва мустақил равишда мазкур гуруҳга ном қўйиш таклиф этилади.

Болалар таклиф этган “тўртта томон”, “тўртта бурчак”ни маъқуллаш ва аниқлаштириш яъни ушбу шакллар тўрт бурчаклар деб аталишини айтиш лозим. Болаларни тўртбурчаклар билан бу кўринишдаги таништириш йўли уларда умумлаштиришни шакллантириш имкониятини беради. Шаклни бурчаклар, томонлар сони белгиларига қараб гуруҳлаш, болалар фикридан муҳим бўлмаган белгиларни мавҳумлаштиради. Бир тушунча бошқа унга нисбатан умумийроқ бўлган тушунча орқали қамраб олиниши ҳақида болалар хулоса чиқаришларига олиб келинади. Ўзлаштиришнинг бундай

йўли мактаб ёшигача бўлган болаларни ақлий ривожлантириш учун мақсадга мувофиқдир.

Болаларни кейинчалик тўртбурчаклар ҳақидаги тасаввурларини мустаҳкамлаш турли ўлчовдаги ва рангдаги шаклларни синфларга ажратиш мшқларини ташкил этиш йўли орқали амалга оширилиши мумкин.

Тўртбурчакларни гуруҳларга ажратишда қуйидаги вариандаги машқлардан фойдаланиш мумкин:

- фақат қизил рангдаги тўртбурчакларни танлаб олиб, мазкур гуруҳдаги шаклларни номини айтиб бериш;

- тенг томонли тўртбурчакни танлаб олиб, уларни айтиб бериш;

- барча катта ўлчовдаги тўртбурчакларни танлаб олиб, уларни шакли ва рангини айтиб бериш;

- чап томонга барча тўртбурчакли карточкаларни, ўнг томонга эса тўртбурчак бўлмаганларни қўйиб, уларни шаклини, рангини ва ўлчамини айтиш.

Қуйидаги усулдан ҳам фойдаланиш қулай бўлиши мумкин: болаларга турли ўлчамдаги контурли шакллар тасвирланган карточкалар тарқатилиб, тузилишига ва ўлчовига кўра мос шаклларни танлаш вазифаси қўйилади. Контурининг барча нуқталари устма-уст тушадиган шакллар тенг ҳисобланади.

Болаларда у ёки бу предметнинг геометрик шаклини қўришга ёки нимага асосан уларнинг шакли мос келишини танишга ўргатишни ривожлантириш зарурдир. Бу атроф-оламдаги предметларни тўлиқ ва мақсадли танишга ҳамда уларни расмда тасвирлашга, аппликацияларини бажаришга, пластилдиндан ясашга ўргатади

Бола геометрик шаклларни яхши ўзлаштириб, предметларни тадқиқ этишни, улардаги ҳар бир умумий асосни ва деталлар шаклини ажратишни муваффақиятли амалга оширади.

Предметларни геометрик эталонлар билан мос қўйиш ишлари икки босқчда амалга оширилади.

Биринчи босқичда болаларни предметларни геометрик шакллар билан бевосита мос кўйиб предмет шаклини сўзли ифодасини беришга ўргатиш лозим.

Шундай қилиб, геометрик шакллар моделларини реал предметлардан ажратиш ва уларга намунанинг аҳамиятини бериш имкониятига эга бўламиз.

Ўйин ва машқлар асосли шаклдаги у ёки бу кўринишдаги аниқ деталга (обруч, тарелка – айлана; рўмолча, бир варақ қоғоз, кути – квадрат ва ш.к.) эга бўлмаган предметлар танланади. Кейинги машғулотларда аниқ шаклдаги предметларни тасвирловчи расмлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Машғулотарни дидактик ўйин ёки ўйинли машғулотлар шаклида ўтказиш керак бўлади: “шаклига кўра танла”, “нимага ўхшайди”, “шунга ўхшаш предметни топ” . Шундан сўнг кўрсатилган шаклдаги предметлар танланади, уларни ягона шакл белгисига кўра гуруҳларга ажратишади ва умумлаштиришади. Аста-секинлик билан болаларда ажратишнинг аниқлик даражаси ошира борилади: айланали ва шар кўринишидагилар, квадрат ва кубга ўхшашлар ва шу кабилар. Кейинчалик кўрсатилган шаклдаги предметларни гуруҳ хонасидан топиб бериш таклиф этилади. Бунда фақат предметларнинг шакли номи айтилади, хусусан, “жавонга қарангларчи айланага ўхшаш предметлар борми” ва шу кабилар. Шу билан бирга “Гуруҳ хонасига саёҳат”, “Яширилган нарсани топинг” каби ўйинларни ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу машқлар орқали болаларни мантиқий амалга ўргатилади - синфларга ажратиш.

Иккинчи босқичда болалар нафақат предметларнинг асосий шаклини аниқлашга ўргатилади, балки деталлар шаклини (уйча, машина ва ш.к.) аниқлашга ҳам ўргатилади. Ўйинли машқлар, болаларни аниқ бир шаклдаги предметларга қараш орқали қисмларга ажратишга ўргатиш ва қисмлардан яхлит предметни тиклаш мақсадида олиб борилади.

Бундай машқлар предметлар расмларини қирқимини йиғиш асосида бажарилади.

Геометрик шаклларни таниш машқлари ҳамда турли предметлар шаклини аниқлашни машғулотлардан ташқарида ҳам ўтказиш мумкин. Уни “Атрофимиздаги геометрик шакллар”, “Домино” ва бошқа ўйинлардан фойдаланиб, кичик гуруҳларда ва индивидуал тартибда ҳам ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Кейинги вазифа – болаларга турли шакллардан ўзгартириш натижасида геометрик шаклларни ясашни ўргатишдир. Масалан, иккита учбурчакдан квадратни ясаш, бошқа учбурчаклардан кўпбурчак ясашга ўргатиш. Сўнгра икки-учта квадратлардан, уларни турли хил букиш натижасида янги шаклларни пайдо қилишга (учбурчаклар, тўғри тўртбурчаклар ва ш.к.) ўргатиш мумкин.

Бу машқларни шаклларни қисмларга бўлиш машқлари билан боғлаш мақсадга мувофиқдир. Масалан, болаларга икки, тўрт бўлакка бўлинадиган катта ўлчамдаги айланалар, квадратлар, тўғри тўртбурчаклар тақдим этилади. Барча шаклларнинг кўриниб турган томони икки хил рангга бўялган, ҳар бир шаклнинг кўринмасдан турган томони ўз ранггига эга. Бундай жамланма ҳар бир болага тарқатилади. Учала шаклнинг ҳар бири тенг икки бўлакка бўлинган ҳолда аралаштириб юборилади. Дастлаб болалар уларни қисмларини рангига кўра ажратиб, намунага асосан бир бутун қилиб йиғадилар. Кейин эса шакллар тўрт бўлакка бўлиниб, аралаштириб юборилади ва болалар уларни рангига кўра бир бутун қилиб йиғадилар. Шундан сўнг, барча шакллар ва уларнинг қисмлари бир хил рангга эга бўлган тескари томонига ўгирилиб, аралаштирилади ҳамда болалар ана шу аралаштирилган қисмлардан айлана, квадрат, тўғри тўрт бурчакни йиғишади. Сўнгги топшириқ болалар учун мураккаброқ ҳисобланади чунки, барча қисмлар бир хилдаги рангга эга бўлиб, уларни ичидан танлаш ва йиғиш фақат шакл ва ўлчамига кўра амалга оширилади. Ушбу машқни янада мураккаблаштириш мумкин, бу тарбиячининг фантазияси (болаларни қизиқтирадиган турли машқларни ўйлаб топиш) билан ҳам боғлиқ.

Болаларни геометрик шаклларни конструкциялаш яъни бир хилдаги шакллардан турли композициялар яратиш машқлари билан ҳам шуғуллантиш муҳимдир.

Бу машқлар болаларни топқирлигини, хотирасини, фикрлашини ривожлантиришга кўмаклашади.

Тайёрлов гуруҳидаги болаларнинг геометрик ва предметлар шакллари ҳақидаги билимлари кенгайтирилади, чуқурлаштирилади ва тизимлаштирилади.

Мактабга тайёрлов гуруҳининг вазифаларидан бири – болаларни кўпбурчаклар, уларнинг белгилари: баландлиги, томонлари, бурчаклари билан таништиришдир. Ушбу вазифани ҳал этиш болаларни: уч ва ундан ортиқ бурчакка, учларга, томонларга эга барча шакллар кўпбурчаклар гуруҳига тегишли эканлиги ҳақидаги умумлашган хулосага олиб келади.

Болаларга айлана модели ва янги шпкл – бешбурчак кўрсатилади. Уларни таққослаш таклиф этилиб, бу ушаклар нима билан фарқланиши сўралади. Айланадан бешбурчак шу билан фарланадики, у бурчакларга эга, бурчаклар сони кўп. Болаларга айланани юмалатишни, худди шу ишни беш бурчак учун ҳам бажаришни такли қилинади. У юмаламайди, чунки бунга бурчаклар имкон бермайди. Бурчаклар, томонлар, учлари саналади, нима учун ушбу шакл кўпбурчак деб аталиши аниқланади. Сўнгра турли кўпбурчаклар тасвирланган плакат намойиш қилинади. Алоҳида шакллар учун уларнинг тавсифли белгилари аниқланади. Барча шаклларнинг томонлари, учлари, бурчаклари кўплиги таъкидланади. Бир сўз билан бу шакллар нима деб аталиши мумкин? Агар болалар топишга қийналишса, тарбиячи ёрдамлашади.

Кўпбурчаклар ҳақидаги болаларнинг билимларини аниқлаштириш учун уларга катакли қоғозга шаклларни расмини чизиш топшириғи ҳам берилиши мумкин. Сўнгра шакллардан бошқа шаклларни ҳам ясаш мумкинлиги кўрсатилади, масалан, иккита квадратни устма-уст қўйиб, саккиз бурчакли юлдуз ясашни кўрсатилади.

Тайёрлов гуруҳи дастурига кўра, болаларни шаклларни ясашни ўргатишни давом эттириш лозим.

Бу ишлар болаларда: шакллар ва уларни белгиларини билишга; конструктив ва геометрик тафаккурни ривожлантиришга кўмаклашади

Унинг усуллари турлича бўлиб, баъзи бирлари янги шакллар ва ва уларни қисмларга бўлиниши билан таништиради, иккинчи бирлари – уларни бирлаштириш натижасида янги шаклларни пайдо қилиш билан таништиради.

Болаларга квадратни икки усулда букиш таклиф қилинади: карама-қарши томонларни ёки карама-қарши бурчакларни ўртасидан устма-уст тушириб, буклаб – қандай шакллар ҳосил бўлганлигини сўралади (иккита тўғритўртбурчак ёки иккита учбурчак). Болаларга шаклларни ўзгартириш юзасидан бериладиган топшириқлар қизиқиш уйғотади.

Шундай қилиб, болаларда шакллар ҳақидаги тасаввурларни ривожлантириш учун қатор амалий ҳаракатларни ўзлаштириб олиш лозим бўлади. Улар қуйидаги амалий ҳаракатлардир: шаклларни устма-уст қўйиш, буклаш, буриш, шакллар элементларини мос қўйиш, чизиш ва шу кабилар.

Амалий ҳаракатларни ўзлаштирганидан сўнг бола бу амалларни онгида бажари олади ва ҳар қандай шаклни танийди. Мактабгача бўлган даврда бола олти асосий шаклни ўзлаштиради – учбурчак, айлана, овал, квадрат, тўғри тўртбурчак ва трапеция.

### **II.3. МТМ даги миқдор ва сон тушунчаларига доир машғулотлар жараёнида болалар ихтиёрий диққатини шакллантириш**

Кичик гуруҳдан ўрта гуруҳга ўтгандан сўнг тарбияланувчи болаларнинг илгари олган билимларида маълум даражада фарқи борлиги сезилади. Маълумки, ўрта гуруҳга янги болалар ҳам келиб қўшиладилар. Дастлабки машғулотларда ўтилганларни такрорлашга бағишлаш ва болаларни янги материални идрок этишга тайёрлаш зарурат эканлиги маълум бўлади. Бунда, асосан санокни ўргатиш ва сонлар билан таништириш учун зарур бўлган тасаввур, кўникма ва малакалар мустаҳкамланади.

Ўтилган мавзунини такрорлаш учун кичик гуруҳ дастурида тавсия этилган машқлардан бир оз мураккаблаштирилган ҳолда фойдаланилади. Машқлар дастурдаги топшириқларнинг 2-3 тасини бир йўла бажариш имконини беради.

Бунда болаларга тўпلام ичидан айрим нарсаларни ажратиш ва нарсаларни тўпلامга бирлаштириш машқ қилдирилади, улар ҳамма нарсалар учун умумий бўлган белгиларни ва нарсаларнинг фақат бир қисми учунгина хос бўлган умумий белгиларни ажрата олишга ўргатилади. Агар тарбиячи болаларнинг мазкур материални яхши ўзлаштирганликларини сезса, унда бир машғулот билан чекланиб қолиши мумкин. Акс ҳолда, бундай машқлар яна машғулотнинг иккинчи қисмига киритилади.

Болаларда теварак-атрофда турган алоҳида нарсаларни ва нарсалар йиғиндиси тўпلامини мустақил топа олиш кўникмаси мустаҳкамланади. Шу мақсадда ўрта гуруҳда кичик гуруҳдагига нисбатан машқлар бирмунча мураккаб вариантларида олиб борилади. Болаларга математик тушунчаларни шакллантиришда кўпроқ эркинлик берилади, нимани қаердан излаш

кераклиги, “каранг, қайси нарсалар кўп, қайсилари биттадан учрайди”, каби умумий кўрсатмалар орқали берилади.

Болаларни фақат бир турдаги нарсаларни фикран бир гуруҳга бирлаш тиришга, уларнинг барчаси учун умумий бўлган хусусият (буюмларнинг нимага мўлжалланганлиги ва бошқалар) асосида “тўплам ҳосил қилиш”га ўргатибгина қолмасдан, балки гуруҳни ташкил этувчи нарсаларнинг фақат бир қисми учунгина умумий бўлган белгиларни ҳисобга олишга, яъни қисм тўпламни ажратишга ҳам ўргатилади. Масалан, тарбиячи болалар диққатини дераза тоқчасида турган кўп ўсимликлар орасида баланд ва пастлари, катта ва кичик барглилари борлигига жалб этади ва ҳоказо.

Бу даврда асосий эътибор икки тўпламнинг миқдорини қиёслашни машқ қилдиришга қаратилади. Болаларнинг диққати икки гуруҳнинг қайси бирида нарсалар кўп ва камлигини ёки уларнинг бараварлигини айтишга қаратилади. Тарбиячи уларга гуруҳларни амалий равишда таққослаш, устма-уст ва ёнма-ён қўйиш усуллари эслатади.

Болаларни нарсаларнинг бошқа белгилари ичидан диққатларини жалб этиш орқали миқдорий томонни ажрата билишга ўргатиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳолда гуруҳнинг унчалик аҳамиятли бўлмаган белгиларини — гуруҳдаги нарсаларнинг ранги, катта-кичиклиги ва жойлашувини ўзгартириш орқали эришилади.

Миқдорий тузилиши турлича бўлган тўпламлар билан ишлаш болаларда нарсалар сонини аниқ белгилаш заруратини ҳосил қилади. Санокда ўзлаштириш учун шароит пайдо бўлади. Бу машғулотларда баъзи фазовий тасаввурлар аниқланади, ўнг чапни фарқлаш, нарсаларни чапдан ўнгга қараб ўнг қўл билан кўрсатиш, юқориги ва пастки (доскалар), чапдан ўнгга ибораларини тушуниш кўникмаси мустаҳкамланади.

Болалар шакллар — доира, квадрат, учбурчакни сезиш, ҳаракат ва диққат-эътиборни қаратиш орқали текшириб кўришни машқ қиладилар, уларни ранг ва ҳажмларидаги фарқларга қарамасдан билиб олишни ўрганадилар.



Болалар ўлчов муносабатларини: узунроқ-қисқароқ, кенгроқ-торроқ, кўпроқ-камроқ ҳақидаги тасаввурлари ва тегишли муносабатларни аниқлаш учун ёнма-ён ва устма-уст қўйиш усулларидан фойдаланиш кўникмалари мустаҳкамланади. Биринчи машғулотлардаёқ болаларда диққатни жалб этиш орқали бу кўникмаларга қизиқиш уйғотиш ва шуғулланиш малакасини ўстиришни давом эттириш муҳим аҳамиятга эга.

*5 гача санашни ўргатиш:*

Санашни ўргатиш (нарсаларни санаб чиқибгина нечта? (қанча?) деган саволга аниқ жавоб бериш мумкин) болаларда тушуниб олишга ва санаш воситаларини: сонларни тартиб билан аташни, уларни тўпламнинг ҳар бир элементига бўлган муносабатини билиб олишга ёрдам бериши керак.

Тўрт ёшли кичкинтойларга айна даврда бу фаолиятнинг икки томонини ўзлаштириш қийинлик қилади. Шунинг учун ўрта гуруҳда санокқа ўргатишни икки босқичда амалга ошириш тавсия этилади.

Биринчи босқичда икки тўпламдаги сонларни таққослаш асосида болаларга натижавий сонни топишнинг мақсади очиб берилади. Болаларни 1 ва 2, 2 ва 3 элемент тўпламларини фарқлашга ва тарбиячининг санаши асосида натижавий сонни айтиб беришга ўргатилади. Бундай “ҳамкорлик” олдинги икки машғулотда амалга оширилади. Улар бу фарқларни сонлар билан белгилаб, қуйидагига ишонч ҳосил қиладилар: гуруҳлардаги нарсалар сони тенг, демак, нарсаларнинг миқдори айна бир сўз билан ифодаланади (2 та қизил доирача ва 2 та ҳаво ранг доирача), битта нарсани кўшдилар (олдилар), нарсалар сони кўпайди (камайди) ва бу гуруҳ янги сўз билан ифодалана бошлади. Болалар ҳар бир сон нарсаларнинг маърум миқдорини билдиришини тушуна бошлайдилар ва сонлар ўртасидаги боғланишлар (катта, кичик ва шу кабилар)ни аста-секин ўзлаштириб борадилар. Тарбиячи бирида иккинчисидегига қараганда битта нарса кўпроқ бўлган икки нарсалар йиғиндисини таққослашни ташкил қилиб, нарсаларни санайди ва болалар диққатини натижавий сонга жалб этади. У аввал қайси нарсалар кўпроқ (камроқ)лигини, сўнгра эса қайси сон кўплиги ва қайсиси камлигини

аниқлайди. Болаларнинг нарса тўпламларидаги сонларни фарқлашлари ва уларни сўзлар (сонлар) билан аталганлари сонларни таққослаш учун асос бўлади.

Болалар фақат навбатдаги сонни қандай олиш мумкинлигини эмас, балки ундан олдинги сонни: 2 дан 1 ни, 3 дан 2 ни ва шу кабиларни предметлар (нарсалар) ёрдамида қандай олиш мумкинлигини ҳам кўришлари муҳим.

Тарбиячи гоҳ битта нарса кўшиб гуруҳни кўпайтиради, гоҳ ундан битта нарсани олиб камайтиради. Ҳар гал қайси нарсалар кўпроқ, қайсилари камроқ эканлигини аниқлаб, сонларни таққослашга ўтади. У болаларни фақат қайси соннинг кўплигини эмас, балки камлигини кўрсатишга (2-2, 3>2, 2<3 ва шу кабилар) ўргатади.

“Кўпроқ”, “камроқ” муносабатлари шакллантирилади ва кўникма ҳосил қилинади. Ҳаммаси бўлиб қанча нарса борлигини билиш, ҳисоблаб чиқиш кераклиги иш давомида мунтазам мустаҳкамлаб борилади. Болалар эътиборини натижавий сонга жалб этилади. Тарбиячи уни аташни якуний ҳаракат билан (нарсалар гуруҳ атрофидан кўлини юргизиб) кузатади ва номини (яъни, нарсанинг номини) атайди. Санаш вақтида сонларнинг номи айтилмайди (жами 3 та олма).

Болаларга қаерда битта, қаерда иккита, қаерда учта нарса борлигини айтиш ва кўрсатиш таклиф қилинади, бу 2, 3 та нарсага эга бўлган тўпламлар билан тегишли сўзлар сонлар ўртасидаги асосий фаол боғланишларни аниқлашга хизмат қилади.

Болалар нутқида нарсалар ва сонларнинг йиғиндиларини таққослаш натижаларини акс эттиришга катта эътибор берилади. (олмалар ноклардан кўпроқ, ноклар олмалардан камроқ. 4 кўп, 3 эса кам 3 дан 4 кўп, 5 дан кам).

Болалар иккинчи босқичда ҳисоблашни билиб оладилар, аввал 3 гача бўлган нарсаларнинг ҳисобини олишга, кейин эса 4 ва 5 гача бўлган нарсаларни санашга ўрганадилар.

Болалар 2 ва 3 та нарсдан иборат бўлган тўпламларни бир-биридан фарқ қилишни ўрганиб олганларидан сўнг нечта? (қанча?) саволига фақат нарсаларни санаб чиқишга аниқ жавоб бериш мумкинлигини билганларидан кейин уларни 3 гача бўлган, кейинчалик 4 ва 5 гача бўлган нарсаларни санашга ўргатилади.

Биринчи машғулотлардан бошлаб санашни шундай ўргатиб бориш керакки, натижада болалар ҳар бир кейинги (олдинги) соннинг қандай ҳосил бўлишини, яъни натурал сон тузилишининг умумий тамойилини тушуниб олсинлар. Шунинг учун ҳар бир кейинги соннинг ҳосил бўлишини кўрсатишдан аввал ундан олдинги сон қандай ҳосил бўлганлиги эслатиб ўтилади. 2-3 сонларини изчиллик билан таққослаш болаларга, ҳар қандай натурал соннинг биттадан кўплигини ва бошқасидан, “кўшни сондан” камлигини ( $3 < 4 < 5$ ), биттадан кам бирорта ҳам сон йўқлигини кўрсатиш имконини беради.

“Кўп, кам” тушунчаларининг нисбийлигини болалар кейинчалик шу асосда билиб оладилар. Улар нарсалар тўпламларини мустақил равишда ўзгартиришни ўрганишлари керак. Масалан, қандай қилса нарсаларнинг сони баб-баравар бўлишини, 2 та нарса (4 та нарса) ўрнига 3 та нарса бўлиши учун нима қилиш кераклигини ҳал қилишлари лозим.

Ўрта гуруҳда санаш кўникмалари батафсил машқ қилинади. Тарбиячи санаш усулларини бир неча марта кўрсатади ва тушунтириб беради, болаларни нарсаларни ўнг қўл билан чапдан ўнгга қараб санашга, санаш жараёнида нарсаларни қўл теккизиб навбати билан кўрсатишга, охириги соннинг номини айтиб, якуний ишора қилишга, нарсалар гуруҳи атрофидан қўлни юргизиб чиқишга ўргатади.

Бола санаш ҳаракатлари кўникмаларини ўзлаштириб олганидан сўнг, уларни фойдаланиладиган предметлар билан таништириш зарур. Бу ерда изчиллик тахминан қуйидагича бўлиши мумкин: болалар ҳар бир нарсага қўл текказиб овоз чиқариб санайдилар; предметларга кўрсаткич таёқчани теккизиб овоз чиқариб санайдилар; маълум масофада туриб овоз чиқариб

санайдилар; ичларида пичирлаб санайдилар. Тўрт ёшли кичкинтойлар ичларида ўйлашни билмайдилар, уларда санаш кўникмалари мустаҳкам эмас, шунинг учун уларга ичларида санашни таклиф этиб бўлмайди.

Санаш кўникмаларини мустаҳкамлаш учун бир қанча машқлар бажарилади. Мустақил санаш учун қулайлик яратиш мақсадида саналадиган нарса, машғулотлар шароити ўзгартирилади, болаларнинг жамоа бўлиб ишлаши уларнинг қўлланмалардан фойдаланиб мустақил ишлаши билан алмаштириб турилади, иш усуллари хилма-хиллаштирилади. Турли хил ўйин машқларидан, шу жумладан, фақат нарсаларнинг санаш кўникмасини мустаҳкамлаш имконини берувчи ўйин машқларидан фойдаланибгина қолмай, балки нарсаларнинг шакли, ўлчами ҳақидаги тасаввурларини шакллантиришга, фазода мўлжал олишни ўргатишга имкон берадиган ўйин машқларидан ҳам фойдаланилади. Санаш нарсалар ўлчамларини аққослаш билан, геометрик фигураларни фарқ қилиш ва уларни ажратиб кўрсатиш билан, фазовий йўналиш (чапдан, ўнгдан, олдинда, орқада)ларни аниқлаш билан боғланади.

Болаларга теварак-атрофдан маълум миқдордаги нарсаларни излаш таклиф қилинади. Олдин болага намуна (кўрғазма) берилади, кўрғазмада нечта доирача бўлса, шу доирачалар сонига тенг ўйинчоқ ёки буюм излайди. Кейинчалик болалар фақат сўз асосида ҳаракат қилишга ўрганадилар (4 та ўйинчоқни топ). Тарқатма материал билан иш олиб бораётган вақтда болаларнинг ҳали нарсаларни санай олмасликларини назарда тутиш керак. Аввал болаларга ҳисоблаш эмас, балки сезиш, санаш кўникмасини талаб қиладиган топшириқлар. Маълумки, 5 ичида бўлган тенг ва тенг бўлмаган (битта кўп ёки битта кам) миқдордаги нарсаларнинг икки тўпламини таққослаш болаларга биринчи бешлик сонининг қандай ташкил топишини эслатиш имконини беради.

Тенг, тенг эмас, кўп, кам ва санокнинг нисбатларини аниқлаш учун икки гуруҳ предметларини бирма-бир таққослаш усулларини болалар онгига етказиш мақсадида тўпламларни тенглаштиришга оид топшириқлар

берилади, масалан: “ҳамма болаларга етадиган ўйинчоқлар олиб кел” ва хоказо. Болаларни нарсаларни тартиб билан чапдан ўнгга қараб санашга, саноқ якунининг номини айтишга ўргатиш саноқ кўникмаларининг мустаҳкамланишига олиб келади.

Катта гуруҳда сонни хотирада сақлаб қолиш мустаҳкамланиб борилади. Бунинг учун предметларни санаб чиқиш машқлари аста секин мураккаблаштириб борилади. Масалан, болаларга айтиб берилган вақтда икки сон айтилади, дарҳол икки хил предметни ёки бир хилдаги, аммо бир-биридан ранги ёки ҳажми жиҳатидан фарқ қиладиган предметларни санаб чиқиш таклиф қилинади. Предметлар номи уларнинг жойлашиш ўрни билан боғланади.

Болалар сонни хотирада эслаб қолишга, предметларни битталаб олишга, сонларнинг олинган ҳар бир предмет билан муносабатини аниқлашга, бажарилган топшириқ ҳақида ҳисобот беришга ўргатилади. Баъзи бир фазовий тасаввурлар ўзига нисбатан предметнинг жойлашиш ўрни олдида, орқасида, чапда, ўнгда: қоғоз варағи юзасида тасвирланган предметларнинг жойлашиши юқорида, пастда, чап томонда, ўнг томонда, ўртада кабилар мустаҳкамланади.

*10 ичида санаиш.* Икки тўпламдаги элементларни солиштириш асосида иккинчи бешлик сонини ҳосил қилиши ва 10 гача санашни ўргатиш учун ўрта гуруҳда биринчи бешлик сонини ҳосил қилиш намоёни этилади.

Ўрта гуруҳда бўлганидек, ҳар бир келгуси сон қандай ҳосил қилинишини кўрсатиш учун бундан олдинги сон қандай ҳосил қилинганини такрор кўрсатиш лозим. Шундай қилиб, ҳамма вақт 3 тадан кам бўлмаган кетма-кет сонлар таққослаб кўрилади. Болалар кўпинча 7 ва 8 сонларини адаштирадидилар, бу ўз навбатида 7 ва 8 элементлардан иборат тўпламларни таққослаш бўйича жуда кўп машқ қилишни тақозо этади.

Турли ўлчовда ёки турли майдонни эгалловчи предметлар тўпламини таққослаш кўникмаси саноқ аҳамиятини ва таққосланадиган икки тўпламлар элементларини битталаб солиштиришда аниқлаш усулларини тушуниш, тенг.

кўп, кам муносабатларини аниқлаш имконини беради. Масалан. қайси олмалар кўпроқ-қизилларими ёки яшилларими, қайси гуллар кўпроқ-сарикларими ёки оқларими ана шуларни аниқлаш учун, агар кейингилари биринчиларга нисбатан катта оралиқ билан жойлашган бўлса, предметларни санаб чиқиш ва улар сонини ёки 2 гуруҳ предметларини бир-бирига таққослаш зарур. Бунда таққослашнинг устига қўйиш, ёнига қўйиш усулларидан фойдаланилади. Болалар гуруҳлардан бирида ортиқча предмет пайдо бўлганини, демак, бу гуруҳдаги предметлар кўпроқ, бошқа гуруҳда эса битта етишмаслигини, демак, бу гуруҳда предметлар камроқ эканлигини кўрадилар.

Сони камроқ гуруҳга битта предметни қўшиш ёки сони ортиқроқ гуруҳдан битта предметни олиб қўйиш йўли билан гуруҳларни тенглаштириш натижасида болалар таққосланаётган сонлардан ҳар бирини ҳосил қилиш усулларини ўзлаштириб оладилар. Кўпроқ, камроқ муносабатларининг ўзаро алоқасини кўриб чиқиш болаларга келгусида сонлар ўртасидаги муносабатларнинг ўзаро симметриклик хоссасини ўрганишга замин яратади. Дидактик материални алмаштириб туриш, хилма-хил топшириқлар бериш болаларга ҳар бир сонни ҳосил қилиш усулларини яхшироқ англаб олишда ёрдам беради.

Болаларда 10 гача санаш кўникмаларини мустақамлаш учун турли хил машқлардан. масалан, “худди шунча кўрсат” машқидан фойдаланилади.

10 гача бўлган предметларни санаш. Предметларни санаш машқлари мураккаблашиб боради. Бирданига турли хил предметларни 2 гуруҳини (6 та пиёла ва 7 та косани сананг) ёки бир хил кўринишга эга, аммо бир-биридан ранги, шакли ёки катта-кичиклиги билан ажралиб турувчи (7 та катта ва 8 та кичкина тугмачаларни), 2 гуруҳ предметларини ҳосил қилиш машқлари билан биргаликда фақатгина иккита гуруҳдаги предметларни санашнигина эмас, балки уларни маълум жойга, масалан, қоғоз варағининг кўрсатилган қисмига: юқорига, пастга, чапга, ўнгга, ўртасига жойлаштириш топшириғи ҳам берилди. Бир оз кейинроқ тарбиячи кўрсатмаси асосида, болалар ана

энди нима иш бажарган бўлсанг, ҳаммаси тўғрисида гапириб бер - деб сўрайди. Болаларга кўзларини юмиб, тугмачаларни қўллари билан ушлаб кўриб санаш, у қўлидан бу қўлига олиб снаш топшириқлари берилади.

Товушларни санашни эса предметларни санаш ва санаб ажратиш билан боғлайдилар. Болаларга товушларни санашни, худди шунча ўйинчоқларни санаб ажратишни, кейинчалик айтиб бир вақтда товушларни санаб, ўйинчоқларни ажратиб қўйишни, санашни тугатгач, қанча товуш эшитганликларини ва нечта ўйинчоқ қўйганликларини гапириб бериш таклиф этилади. Болалар тарбиячи ёки бослқка болалар томонидан бажарилаётган ҳаракатларни санайдилар. Улар ҳаракат миқдорини намуна ҳамда айтилган сонга қараб бажарадилар, масалан: “ликопчада нечта тухум бўлса, шунча марта салом бер, шунча марта раҳмат дегин”.

Топшириқларни ўйин тавсифида ҳам олиб бориш мумкин: “топингчи, мен Муродга коптокни неча марта ташлашни буюрдим?”, демак, Элмурод коптокни ташлайди, болалар эса унинг ҳаракатларини санайдилар.

Кўрсатилган йўналиш бўйича маълум миқдорда қадам ташлаш болалар учун энг мураккаб топшириқ ҳисобланади. Масалан, болага: “Олдинга 5 қадам юр, ўнгга бурил, яна 3 қадам ташла”, - деб айтилади.

Болалар сафда юриш билан бирга санашни, фазода мўлжал олишни машқ қиладилар. Бундай машқлар орқали идок этиладиган тўпламлар орасидаги миқдорий муносабатнинг ўрнатилиши санаш фаолиятини умумлаштиришга имкон беради.

**III боб. Мактабгача таълим ёшидаги болалар ихтиёрий диққатини  
шакллантиришга доир тажриба-синов ишлари таҳлили**

III.1. Муаммога доир тажриба-синов ишларини ташкил этиш

III.2. Тажриба-синов ишлари натижаларининг якуний таҳлили



## **Хулоса ва тавсиялар**

## **Фойдаланилган адабиётлар руйхати**

## Иловалар

*1-илова*

*Мактабгача ёшдаги болаларда математик тасаввурларни шакллантириш бўйича машғулотлар ишланмаси*

*(Ўрта гуруҳ учун)*

### **1-МАШҒУЛОТ**

*МИҚДОР (КАТТАЛИК)*

Буюмларни бўйига ва энига кўра қиёслаш ва тартиблаштириш.

#### **Мақсад:**

- болаларга 3 тагача бўлган буюмларни бўйига, энига кўра солиштириш ва тартиблаштиришни ўргатиш.

#### **Кутилаётган натижалар:**

- болаларда узун-қисқа ва ингичка-йўғон ҳақида тасаввурлар ҳосил қилинади, йўғондан-ингичкагача, ингичкадан-йўғонгача тартиблай олиш кўникмаси шаклланади.


#### **Керакли жиҳозлар:**

- кўғирчоқ, 3 та узун-калта, йўғон-ингичка ленталар;
- рангли қоғоз қирқимлари (лентасимон) 3 тадан йўғондан-ингичкагача, узун-калта.


#### **МАШҒУЛОТНИНГ БОРИШИ:**

ТАРБИЯЧИ: - Болажонлар, мен кўғирчоққа кўйлак тикмоқчи эдим. Ҳисоблаб кўрсам, кўғирчоқнинг кўйлаги учун 3 та узун-калта лента ва яна 3 та йўғон-ингичка лента керак экан. Бозорга бориб, уларни сотиб олдим. Ленталарни сизларга кўрсатаман.

Тарбиячи аввал 3 та узун-калта ленталарни тартиб билан қўйиб кўрсатиб тушунтиради.



Тарбиячи уларни, аввало устма-уст қўйиб кўрсатади. Кейин эса узундан-ингичкага томон тартиб билан қўйиб чиқади. Сўнгра 3 та йўғон-ингичка ленталарни тартиб билан қўйиб кўрсатади.



Бунда ҳам уларни йўғондан-ингичкага қараб ёнма-ён қўйиб кўрсатади. Тарбиячи болаларга столларида турган қутичадан айтилган нарсаларни олиб амалий иш бажаришини айтади.

### **Болалар учун амалий иш.**

**1-топширик:** Болаларга қутичалардаги қизил рангли қоғоз қийқимларидан (худди ленталарни энг узунидан энг калтасигача терилганидек қилиб) узунлигини солиштириб, қиёслаб тартиб билан териб чиқишларини тушунтиради. Тарбиячи болаларга бир-бирларининг бажарган ишларини кўриб баҳолашларини айтади. Болалар бир-бирларининг ишларини баҳолаб чиқадилар.

**2-топширик:** Тарбиячи яна қутидаги кўк рангли қоғоз қирқимларини олиб, йўғондан ингичкага қараб тартиб билан териб чиқишларини таклиф

этади. Болалар яна бир-бирларининг бажарган ишларини таҳлил қилиб баҳолаб чиқадилар.

**Билимларни мустаҳкамлаш учун “Ўрнини топ” ўйини:**

Ўйин қоидаси: Болалар икки гуруҳга бўлиниб турадилар. Ўртага, доира шакли чизилган бўлиб, ичига узун-калта, йўғон-ингичка турли буюмлар аралаш қўйилган. Тарбиячи кўрсатма бериши билан 1-гуруҳ болалари йўғон-ингичка буюмларни, 2-гуруҳ болалари эса узун-калта буюмларни ажратадилар. Буюмларнинг ранглари, нечтадан йиғилгани сўралади.

**Болажонлар билимини мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар:**

1. Тана аъзоларининг қайси бири узун-калта ва йўғон-ингичка бўлиб тартиб билан жойлашган (бармоқларнинг учтаси) ?
2. Оилангиздагиларни бўйларига қараб тартиб билан айтиб беринг (дадам, онам, акам, мен).
3. Хонадаги буюмлар орасидан йўғон-ингичка, узун-калта буюмларни топиб айтиб беринг.

Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни рағбатлантириб боради.

## МИҚДОР (КАТТАЛИК) МАШҒУЛОТ

Нарсаларнинг ҳажмини катталигига нисбатан қиёслаш

**Мақсад:**

- болаларнинг катталиқ тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтириш; нарсаларнинг ҳажмини бир-бирига нисбатан кичиклигини қиёслаш олиш малакасини шакллантириш.


**Кутилаётган натижалар:** Болалар нарсаларнинг катталигига нисбатан қиёслаш ўргатилади. Катталиқ тўғрисидаги тасаввурлари мустаҳкамланади.

**Керакли жиҳозлар:**

- 3 та уйча: кичик, каттароқ, катта (1-расм)
- “уч айиқ” эртаги асосидаги расм.
- катта-кичик кўзачалар, китоблар, ўйинчоқлар;
- ўғил болаларга катта коптоқлар, қизларга кичик коптоқлар;
- ҳар бир болага қоғоз, рангли қаламлар, катта ва кичик учбурчаклар, квадратлар. (2-расм)



(1-расм)



(2-расм)

**МАШҒУЛОТНИНГ БОРИШИ:**

**ТАРБИЯЧИ:** - Болажонлар, биз нарсалар - катта ёки кичиклигини қандай биламиз? Албатта, таққослаб кўриб биламиз, яъни унинг бўйини тенглиги ва энига қараб чамалаб айтамиз. Мана, болалар, ҳозир олдимизда 3 та уйча

турибди. Шу уйчаларни кўриб ёдимга “Уч айиқ” эртаги тушди. Болалар, сизлар ҳам шу эртакни биласизларми? Бу эртакда бир қизча ўрмонда адашиб қолиб, айиқлар яшайдиган уйга келиб қолибди. Уйда 3 та катта-кичик стул, каравот, катта-кичик идишда овқат солинган бўлади ва қизча бир-биридан катта бўлган каравотлардан энг кичигида ётиб ухлаб қолади. Эсладингизми, кейин нима бўлади, ким айтиб беради? (Болалар эртакнинг давомини айтиб берадилар.) Мана бу 3 та уйча ҳам бир-биридан катта-кичиклиги билан фарк қилади.

Уйчалар қандай шакллардан ҳосил бўлибди?

Катта уйчадаги учбурчак ва квадрат шакллари қандай рангда экан?

Ўртача ва кичик уйчаларнинг ранглари қандай экан?

Болалар тарбиячи столига қўйилган катта-кичик шаклдаги кўзачалар, китоблар, ўйинчоқларни фарқлаб айтиб берадилар.

**Тетиклаштирувчи машқ.** Катта ва кичик коптоқлар.

Тарбиячи ўғил болаларга катта коптоқларни, қизларга кичик коптоқларни олишларини айтади. Сўнг болалар катта ва кичик коптоқлар билан машқлар бажарадилар.

**Болалар учун амалий иш**

**ТАРБИЯЧИ:** -! Болажонлар, барчангизнинг олдингизда картондан қилинган квадрат ва учбурчак шакллари турибди. Шу картонлардан фойдаланиб 2 хил: катта ва кичик уйча ясанг. Энди олдингиздаги оқ қоғозга катта ва кичик уйчаларни кўямиз ва қаламда атрофини юргизиб чиқамиз. (Болалар тарбиячи айтгқнларини бажарадилар.) Мана тайёр шакллар чизилди. Катта уйнинг томини тўқ яшилга, қолган қисмини оч яшилга бўяймиз. Кичик уйнинг томини тўқ кўкга, қолган қисмини оч яшилга бўяймиз. Қани, кимнинг уйчаси чиройли чикди? (Тарбиячи ҳар бир боланинг ишини кузатиб, уйчани чизишда қандай шаклдан фойдаландингиз? қайси уйча кичик? қайси уйча катта ? каби саволларни беради).

**Болалар билимини текшириш ва мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Дамас каттами, автобусми?

2. Жўжа кичикми, хўрозми?
3. Ит каттами, мушукми?
4. Қайси уйга қайси том тўғри келади? Уй ва томларни чизик ёрдамида бирлаштиринг ва бир хил рангга бўянг.

Тарбиячи машғулот давомида ва охирида барча болаларни рағбатлантириб боради. Бу машғулотни ўтиш орқали яхши натижаларга эришдим, фойдаланишни барча тарбиячиларга тавсия этаман. Машғулотни техник воситалар ҳамда кўргазмали воситалар билан ташкил этиш зарур.



**Сон тасаввурларини шакллантирувчи математика машғулотларини  
ташқил этиш**

**1-МАШҒУЛОТ  
СОН ВА САНОҚ**

3 сонининг ҳосил бўлиши билан таништириш ва 3 ичида санашга ўргатиш.

**Мақсад:** 3 сони билан таништириш ва 3 сони ичида предметларни санашни ўргатиш.

Кутилаётган натижалар: болалар 3 сони ичида санашни ва нутқда “битта”, “иккита”, “учта”, “бир”, “икки”, “уч” сўзларини тўғри қўллашни ўрганадилар.

**Керакли жихозлар:**

- турли ўйинчоқлар (2 та ва 3 тадан).
- 3 рақами катта қилиб ёзилган карточка.
- 1, 2, 3 сонлари тасвирланган медалёнлар.
- 1, 2, 3 сонлари катта қилиб ёзилган карточкалар.
- 1 тадан, 2 тадан, 3 тадан нарсалар тасвирланган расмлар тўплами.

**Машғулотга тайёргарлик:**

- тарбиячи машғулот олдидан столларга ҳар хил ўйинчоқларни 2 тадан қўйиб чиқади.

**МАШҒУЛОТНИНГ БОРИШИ:**

**ТАРБИЯЧИ:** - Болажонлар, стол устидаги ўйинчоқларга эътибор беринг, ўйинчоқлар нечта? Келинг, биргаликда санаймиз: бир, икки. Демак, ўйинчоқлар 2 та экан. Агар биз 2 та ўйинчоққа яна битта ўйинчоқ қўшсак, ўйинчоқлар 3 та бўлади. Энди сизнинг столингиз устида турган ўйинчоқларни санаймиз: бир, икки. Ўйинчоқлар 2 та экан. Агар биз унга яна битта қўшсак, ўйинчоқлар нечта бўлади? (Болалар жавоби) Столингиздаги 2 та ўйинчоққа яна 1 та ўйинчоқ қўшинг. Энди биргаликда санаймиз: 1, 2, 3. Ҳаммамиз биргаликда айтаемиз: — Ўйинчоқлар 3 та бўлди.

3 та ўйинчоқдан биттасини олиб қўйсак, ўйинчоқлар нечта қолади?  
(Болалар жавоби)

Тўғри, 2 та қолади. 2 та ўйинчоққа 1 та ўйинчоқ қўшсак, ҳаммаси нечта бўлади? Болалар жавоби. Тўғри, 3 та бўлади. Мана бу сон — 3.

Тарбиячи 3 сони катта қилиб ёзилган карточкани болаларга яхши кўринадиган жойга илиб қўяди.

ТАРБИЯЧИ: - Болажонлар, 1 сонидан кейин 2 сони келади, 2 сонидан кейин 3 сони келади. Демак, 1 - 2 дан олдинги сон, 2 эса 3 дан олдинги сон. 1, 2, 3 — санашда ҳамма вақт шундай тартибга амал қилинади ва бу 1 дан 3 гача тўғри санаш дейилади.

### Гуруҳ иши:


Болалар 1, 2, 3 сонлари тасвирланган медалёнлар ёрдамида кичик гуруҳларга бўлинади. 3 та столда-биринчисида 1, иккинчисида 2, учинчисида 3 рақами катта қилиб ёзиб қўйилган бўлади. 1 сон акс этган медалёнларни олган болалар 1 сони турган столга, 2 сон туширилган медалёнларни олган болалар 2 сони турган столга, 3 сон туширилган медалёнларни олган болалар 3 сони турган столга ўтирадилар. Ҳамма столда 1 дан 3 тагача нарсалар тасвирланган расмли карточкалар бўлади.

**1-топшириқ.** Ҳар бир гуруҳга 1 сони катта қилиб ёзилган карточка берилади. Ҳар бир гуруҳдаги болалар ўзларининг столидаги расмли карточкалардан 1 та нарса тасвирланганини 1 сони атрофига кластер усулида йиғиши лозим бўлади.

**2-топшириқ.** Ҳар бир гуруҳга 2 сони катта қилиб ёзилган карточка берилади. Ҳар бир гуруҳдаги болалар ўзларининг столидаги расмли карточкалардан 2 та нарса тасвирланганини 2 сони атрофига кластер усулида йиғиши лозим бўлади.

**3-топшириқ.** Ҳар бир гуруҳга 3 сони катта қилиб ёзилган карточка берилади. Ҳар бир гуруҳдаги болалар ўзларининг столидаги расмли карточкалардан 3 та нарса тасвирланганини 3 сони атрофига кластер усулида

йиғиши лозим бўлади. Кейин болалардан расмда нечта нарса тасвирланган - лиги сўралади. Масалан: мана бу карточкада нечта қуёнча тасвирланган?



3-расм.

Болалар билимини мустақамлаш учун топшириқ ва саволлар:

1. 2 сонидан кейин қайси сон келади? 3 гача санаб беринг.
  2. Ликобчада битта анор бор, яна битта анор қўшсак, ликобчада нечта анор бўлади?
  3. Сизда 2 та ёнғоқ бор эди, мен яна 1 та ёнғоқ берсам, ёнғоқларингиз нечта бўлади?
  4. Столда 3 та ликобчада апелсин бор эди, Жамолбек битта ликобчадаги апелсинни еб қўйди. Стол устида нечта ликобча қолди? (Ҳазил савол)
- Тарбиячи машғулот давомида ва якунида болаларни рағбатлантиради.

## Катта гуруҳ учун мужассам машғулот

### Машғулотнинг мақсади:

Предметларни миқдор ва тартиб бўйича санашни, тескари санашни ўргатиб бориш (10 сонигача тескари санашни ўргатиш).

Болаларнинг ўзи туғилиб ўсган жойлари ҳақида, фасллар ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш.

Геометрик шаклларни аниқлаш, лой бўлақларидан ўзлари берилган мавзу бўйича предмет ясай олиш малакаларини муцаҳкамлаш.

Болалар онгига экологик тарбияни сингдириш, уларни одоб, ахлоққа, бир-бирини ҳурмат қилишга ўргатиш.

### Керакли жиҳозлар:

Ўйинчоқлар — 9 та олмахон, 10 та қуёнча, ўрмон учун дарахтлар, экиш учун дарахтлар (ниҳол), қалдирғоч ниқоби.

Ўйин учун: телефон, айиқ ниқоби, йўлакча учун гиламча, кўприк, кизил, кўк рангли кенг ва тор тасмалар.

Тарқатма жиҳозлар: ҳар бир бола учун лой бўлақлари, 25x25 сантиметр ўлчамдаги тагликлар, салфеткачалар, лаганчалар.

### Машғулотнинг бориши.

ТАРБИЯЧИ: - Болалар, қани машғулотга тайёрланиб олайликчи (шу пайт эшик тақиллайди).

- Болажонлар, эшик тақилляптими? қарайчи, ким келди экан? (Эшик очилади ва қалдирғоч хонага учиб киради)

- Болалар, бугун бизнинг машғулотимизга қалдирғоч меҳмон бўлиб келди.

ҚАЛДИРҒОЧ: - Ассалому-алайкум, болажонлар (болалар саломлашади.

Болалар, мен қаерга келиб қолдим?

(Болалар жавоби. Болалар ўз жавобида боғчасининг рақами, номи, қайси гуруҳда эканлигини айтиши лозим.)

ҚАЛДИРҒОЧ: - Адашмай келибман. Мен сизларга хушхабар олиб келдим.

ТАРБИЯЧИ: - Азиз болажонлар, ўтган машғулотимиз-да қалдирғочнинг тинчлик, осойишталик, кишиларга шодлик, хушxabарлар келтирувчи қуш эканлиги ҳақида суҳбатлашган эдик. Мана бугун ҳам бизга хушxabарлар билан келибди.

ҚАЛДИРҒОЧ (хатни болаларга бериб): — Менга рухсат. Бошқа жойларга ҳам хушxabарлар тарқатишим керак. Хайр болажонлар, омон бўлинглар. (Қалдирғоч болалар билан хайрлашиб кетади. Тарбиячи хатни очиб ўқийди.) Мен сизларни уйимга таклиф қиляпман. Сизлар уйимни топиб келишларингиз учун, аввало, кенг кўприкдан ўтиб, чап томондаги йўлакчадан келиб ўрмонга кирасизлар. Бу ерда ўрмон жониворларини учратасизлар ва уларни санаб, дарахт шохи япроқларидаги инларни аниқлаб, сўнгра жониворларнинг илтимосини бажарасизлар. Кейин жониворларга улар ҳақида нима билишингизни айтасиз. Топшириқларни бажариб бўлиб, ўрмон жониворларининг бири билан ўйнаб олишларингиз ҳам мумкин. Ўйлайман-ки, сизлар билан тезда учрашамиз. Бувингиз!

ТАРБИЯЧИ: - Болажонлар, демак бугунги машғулотимиз ўрмонзор оралаб бўлади (Тарбиячи болаларга аввалдан тайёрлаб қўйилган 2 та кўприкни кўрсатади). Мана болалар, ёнингизда иккита кўприк турибди. қани айтингчи, қайси кўприк кенгроқ?

(Болалар жавоби)

ТАРБИЯЧИ: - қайси кўприк тор?

(Болалар жавоби)

- Буни қандай текшираамиз? (Тарбиячи 2-3 та боладан сўрайди.)

- Тўғри (Тарбиячи кўприк вазифасини бажараётган кўк ва қизил тасмаларни бир-бирининг устига қўйиб таққослаб кўрсатади).

— қизил кўприк — кенг кўприк экан. Энди барчамиз шу кўприк устидан ўтамиз. Кўприк устидан ўтиш вақтида бир-бирингизни туртмасдан, тартибга риоя қиламиз. Гуруҳимиздаги ўғил болалар қизларни ҳурмат қилишади.

— Кўприкдан ўтиб олдик. Мана йўлакчалар. Буниси чап томондаги йўлакча. Бу йўлакчадан оёқ учида юрамиз. Бир-биримизнинг изимиздан қўлларни белга қўйиб ўтамиз. (Болалар тарбиячи айтганидек юришади.)

- Мана, манзилга етиб келдик. Ўрмон сизга ёқдимиди? Жуда чиройли-а?! Энди жониворларни излаб топинглар.

Булар нималар экан? (Болалар жавоби)

ТАРБИЯЧИ: - куёнчалар нечта экан? (Болалар жавоби)

- Санаб кўрайликчи, ўрмон-да нечта олмахон бор экан?

(Ҳаммалари биргалашиб санайдилар.)

ТАРБИЯЧИ: - қани, қайси жониворлар кўп экан?

(Болалар жавоби)

ТАРБИЯЧИ: - Тўғри. Энди дарахтдаги қуш уяларига аҳамият берингларчи, нимани сезяпсиз? Улар бир хилми?

(Болалар жавоби)

ТАРБИЯЧИ: - Тўғри. Баъзи уялар дарчаси тўртбурчак, баъзилари айлана, баъзилари эса учбурчак шаклда экан. Қаранг, бирорта қуш кўринмаяптими? Улар дон излаб кетган бўлсалар керак. Келинглари, болалар қушларнинг инларига дон сочиб кетамиз, қушчалар келиб хурсанд бўлишади.

(Болалар ҳаракати)

ТАРБИЯЧИ: - Болалар, куёнчаларга эътибор беринглар. Улар сизларни жуда раҳмдил экан дейишди. Энди биз қишнинг изғирин кунларида куёнчаларнинг совуқ қотмаслиги учун бу ерга дарахт экамиз. Дарахтлар ўсиб, куёнчаларни изғириндан сақлайди. Қани болалар, ҳаммамиз биттадан дарахт экамиз. Шундай қилсак яхши бўлади, тўғрими?

(Болалар жавоби)

ТАРБИЯЧИ: - Бу беозор жониворларни асрайлик. Улар табиатнинг бир гўзаллигидир. Улар ҳеч кимни хафа қилишмайди.

(Болалар дарахт экадилар.)

ТАРБИЯЧИ: - Болажонлар, дарахт ниҳолларини эқдик. Энди санаб чиқайлик. (Болалар экилган дарахт кўчатларини тўғри ва тескари санашади.)

- Ана энди, болалар, биздан жониворлар жуда хурсанд бўлишади. қани айтингларчи, олмахонларнинг севган таоми нима?

(Болалар жавоби) ТАРБИЯЧИ: - қуёнларнинг севимли таомичи? (Болалар жавоби).

- Келинлар болалар, олмахон ва қуённинг севимли таомларини ясаймиз (Тарбиячи болаларни столга таклиф қилади. Болалар лойдан сабзи, ёнғоқ ясайдилар. Иш тугагач, болалар қуёнларга сабзи, олмахонларга эса ёнғоқлар олиб боришади).

- Болажонлар, кўрдиларингизми қуёнлар ва олмахонлар биздан хурсанд бўлишди.